

ANJUMAN | КОНФЕРЕНЦИЯ | CONFERENCES

O'ZBEKISTONDA ILMIY TADQIQOTLAR: DAVRIY ANJUMANLAR


DAVRIYLIGI: 2018 | 2022 **2022**

УЧЕНЫЙ — ТОТ, КТО
МНОГО ЗНАЕТ ИЗ КНИГ;

ОБРАЗОВАННЫЙ — ТОТ, КТО
УСВОИЛ СЕБЕ ВСЕ САМЫЕ
РАСПРОСТРАНЕННЫЕ В ЕГО
ВРЕМЯ ЗНАНИЯ И ПРИЕМЫ;

ПРОСВЕЩЕННЫЙ — ТОТ, КТО
ПОНИМАЕТ СМЫСЛ СВОЕЙ ЖИЗНИ.

LEV TOLSTOY
(1828-1910)



ОКТЯБР

№45



CONFERENCES.UZ

Toshkent shahar, Amir
Temur ko'chasi, pr.1, 2-uy.

+998 97 420 88 81

+998 94 404 00 00

www.tadqiqot.uz

www.conferences.uz



**ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ
ТАДҚИҚОТЛАР: ДАВРИЙ
АНЖУМАНЛАР:
1-ҚИСМ**

**НАЦИОНАЛЬНЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ
УЗБЕКИСТАНА: СЕРИЯ
КОНФЕРЕНЦИЙ:
ЧАСТЬ-1**

**NATIONAL RESEARCHES OF
UZBEKISTAN: CONFERENCES
SERIES:
PART-1**

ТОШКЕНТ-2022



УУК 001 (062)
КБК 72я43

“Ўзбекистонда илмий тадқиқотлар: Даврий анжуманлар:” [Тошкент; 2022]

“Ўзбекистонда илмий тадқиқотлар: Даврий анжуманлар:” мавзусидаги республика 45-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 31 октябрь 2022 йил. - Тошкент: «Tadqiqot», 2022. - 34 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн даврий анжуманлар Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифа - илмий изланиш ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишланган.

Ушбу Республика илмий анжуманлари таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илғор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳтил қилинган конференцияси.

Масъул муҳаррир: Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

1. Ҳуқуқий тадқиқотлар йўналиши

Профессор в.б., ю.ф.н. Юсувалиева Рахима (Жахон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

2. Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна (Фарғона давлат университети)

3. Тарих саҳифаларидаги изланишлар

Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

4. Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни

Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

5. Давлат бошқаруви

Доцент Шакирова Шохида Юсуповна «Тараққиёт стратегияси» маркази муҳаррири

6. Журналистика

Тошбоева Барнохон Одилжоновна (Андижон давлат университети)

7. Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар

Самигова Умида Хамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)



8.Адабиёт

PhD Абдумажидова Дилдора Рахматуллаевна (Тошкент Молия институти)

9.Иқтисодиётда инновацияларнинг туган ўрни

Phd Вохидова Мехри Хасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

10.Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар

Турсунназарова Эльвира Тахировна (Навоий вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

11.Жисмоний тарбия ва спорт

Усмонова Дилфузахон Иброхимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш

Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши

Бобохонов Олтибой Раҳмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

14.Тасвирий санъат ва дизайн

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

15.Муסיқа ва ҳаёт

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар

Доцент Нормирзаев Абдуқайом Раҳимбердиевич (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

17.Физика-математика фанлари ютуқлари

Доцент Соҳадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманган муҳандислик-технология институти)

18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар

Т.ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

19.Фармацевтика

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

20.Ветеринария

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

21.Кимё фанлари ютуқлари

Раҳмонова Доно Қаххоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)



22. Биология ва экология соҳасидаги инновациялар

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

23. Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари

Доцент Сувонов Боймурод Ўралович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти)

24. Геология-минерология соҳасидаги инновациялар

Phd доцент Қаҳҳоров Ўктам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти)

25. География

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

Тўпламга киритилган тезислардаги маълумотларнинг ҳаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулдир.

© Муаллифлар жамоаси

© Tadqiqot.uz

PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЙЎНАЛИШИ

1. Мирсагатов Кахрамон Хайдарович ХОДИМЛАРНИНГ МЕҲНАТ ҲУҚУҚЛАРИНИ СУДДА ҲИМОЯ ҚИЛИШГА ОИД САМАРАЛИ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ.....	7
2. Т.Агаджанов МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ВАКИЛЛИК ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИДА СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ИШТИРОКИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ.....	11
3. Sobirova Sunbula Alijonovna, Avezova Sanobar Rajabbayevna YOSHLARNING HUQUQIY ONGI VA MADANIYATINI SHAKLLANTIRISHNING DOLZARB MASALALARI.....	13
4. Акрамова Муаззам Турдикул кизи МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИКДА ЖИНОИЙ ЖАВОБГАРЛИКДАН ОЗОД ҚИЛШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ.....	15
5. Г.Рахимова ЮРТИМИЗДА ГЕНДЕР ТЕНГЛИГИ БЎЙИЧА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАР БЎЙИЧА ТУШУНТИРИШ.....	18
6. Ҳакимов Комил Бахтиярович АФФЕКТ (КУЧЛИ РУҲИЙ ҲАЯЖОНЛАНИШ) ҲОЛАТИДА ҚАСДАН ОДАМ ЎЛДИРГАНЛИК УЧУН ҚИЛМИШНИ КВАЛИФИКАЦИЯ ҚИЛИШНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ.....	20
7. Раджапов Азамат Худайназарович ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТИ СИФАТИДА СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРНИНГ ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИ ОЧИҚЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДАГИ ИШТИРО- КИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ.....	23
8. Asadov Eldorjon Nizomiddin o'g'li NORMATIV-HUQUQIY Hujjatlar to'g'risidagi qonunchilik tizimida qonunning tutgan o'rnini.....	26
9. Султонов Ойбек Султонбоевич, Гиясов Рустам Юсуфджанович ДАСТЛАБКИ ТЕРГОВ ОРГАНЛАРИНИНГ ПРОФИЛАКТИКА ФАОЛИЯТИГА ПРО- ЦЕССУАЛ ВА КРИМИНАЛИСТИК ЁНДАШУВ.....	28



ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЙЎНАЛИШИ

ХОДИМЛАРНИНГ МЕХНАТ ҲУҚУҚЛАРИНИ СУДДА ҲИМОЯ ҚИЛИШГА ОИД САМАРАЛИ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Мирсагатов Кахрамон Хайдарович,

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси

Академияси мустақил изланувчиси

Телефон: +998 98 808 87 48

Oybek_elps@mail.ru

Аннотация: Мақолада ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини судда ҳимоя қилишга оид самарали механизмларини такомиллаштириш, ишга тиклаш тўғрисидаги ишларни суд муҳокамасига тайёрлашнинг ўзига хос хусусиятлари, ушбу тоифадаги ишларни суд муҳокамасига тайёрлаш вазифалари, муддатлари қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилинган ҳамда миллий қонунчилигимиздаги муаммоларни ҳал этиш масалалари ўрин олган.

Калит сўзлар: ишга тиклаш, суд муҳокамасига тайёрлаш, тайёрлаш муддати, хорижий тажриба, миллий қонунчилик, муаммолар ва уларнинг ечимлари.

Аннотация: В статье отражены особенности подготовки дел о восстановлении к работе, задачи и сроки подготовки дел к судебному разбирательству, сравнительно-правовой анализ, проблемы национальном законодательстве и способы их решения.

Ключевые слова: восстановление на работе, подготовки дел, сроки подготовки, зарубежный опыт, национальное законодательство, проблемы и пути их решения.

Resume: The article reflects the features of preparing cases for the restoration to work, the tasks and terms of preparing cases for trial, comparative legal analysis, problems of national legislation and ways to solve them.

Key words: reinstatement at work, preparation of cases, terms of preparation, foreign experience, national legislation, problems and solutions.

2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида Жаҳон миқёсидаги мураккаб жараёнларни ва мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт натижаларини чуқур таҳлил қилган ҳолда кейинги йилларда «Инсон қадрлари учун» тамойили асосида халқимизнинг фаровонлигини янада ошириш, иқтисодиёт тармоқларини трансформация қилиш ва тадбиркорликни жадал ривожлантириш, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини сўзсиз таъминлаш ҳамда фаол фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган ислохотларнинг устувор йўналишларини белгилаб берилган.

Хусусан, ушбу ҳужжатда адолатли ижтимоий сиёсат юритиш ва инсон капиталини ривожлантириш устувор вазифа сифатида қайд этилиб, давлат фуқаролик хизматида ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид самарали механизмларни ишлаб чиқиш вазифаси белгиланган.

Шу муносабат билан, мазкур мақолада ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини судда ҳимоя қилишга оид самарали механизмларини такомиллаштириш, ишга тиклаш тўғрисидаги ишларни суд муҳокамасига тайёрлашнинг ўзига хос хусусиятлари, ушбу тоифадаги ишларни суд муҳокамасига тайёрлаш вазифалари, муддатлари қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилинган ҳамда миллий қонунчилигимиздаги муаммоларни ҳал этиш масалалар бўйича тадқиқот олиб борилган.

Фуқаролик ишларини суд муҳокамасига тайёрлаш ишларни ўз вақтида ва тўғри кўриб чиқиш ҳамда ҳал қилишни таъминлаш мақсадида суд ва ишда иштирок этувчи шахсларнинг процессуал ҳаракатларининг мажмуини ўзида ифода этувчи биринчи инстанция судида иш юритишнинг мустақил босқичи ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 24 августдаги “Фуқаролик ишларини суд муҳокамасига тайёрлаш тўғрисида”ги 26-сон қарорида судларнинг эътибори



ишларни суд муҳокамасига тайёрлаш барча даъво ва алоҳида тартибдаги ишлар бўйича уларни тўғри ва ўз вақтида кўрилиши ҳамда ҳал этилишини таъминлаш мақсадига эга бўлган фуқаролик процессининг мустақил босқичи ҳисобланишига ҳамда мажбурийлигига қаратилиши юзасидан тушунтириш берилган.¹

Ишга тиклаш тўғрисидаги ишларни суд муҳокамасига тайёрлаш ҳам бошқа фуқаролик ишлари каби мажбурий ҳисобланади ва судлар ФПКнинг 21-бобида назарда тутилган ишни суд муҳокамасига тайёрлаш бўйича барча зарур ҳаракатлар амалга оширилганидан сўнггина, ишни кўришга киришишга ҳақли бўлади.

Юридик адабиётларда ишни судда кўришга тайёрлашга таъриф ишлаб чиқилган. Унга кўра, ишни судда кўришга тайёрлаш - фуқаролик ишларини ўз вақтида ва тўғри қилиб чиқиш ҳамда ҳал қилишни таъминлаш мақсадида суд ва ишда иштирок этувчи шахсларнинг процессуал ҳаракатларининг мажмуини ўзида ифода этувчи биринчи инстанция судида иш юритишнинг мустақил босқичи ҳисобланади.²

Ш.Ш.Шорахметов ҳам иш кўрилишининг сифати, фуқаролик процессини тез ва аниқ бўлиши кўп жиҳатдан фуқаролик ишларини судда кўришга тайёрлашга боғлиқ эканлигини, судда тайёрлаш ишларини олиб боришда судьянинг фаолиятида нуқсон ва камчилик бўлмаслиги кераклигини алоҳида таъкидлайди.³ Ишга тиклаш тўғрисидаги низоли ишларни судда кўришга тайёрлашнинг асосий мақсади ҳам меҳнат низолари тарафларининг, айниқса, ишга тиклаш тўғрисида даъво аризаси билан мурожаат қилган шахсларнинг муҳим ижтимоий ҳуқуқлари бўлмиш меҳнат ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилиш учун иш кўришнинг махсус муддатлари жорий этилганлигини эътиборга олиб, биринчи суд мажлисидаёқ ўз вақтида ва тўғри кўриш ҳамда ҳал қилишдан иборатдир.

Судья ишга тиклаш тўғрисидаги низоли ишларни судда кўришга тайёрлаш билан боғлиқ ҳаракатларни амалга оширишга судда ишни қўзғатганидан сўнг киришади. Қонун меҳнат ишини қўзғатмасдан аввал тайёрлов ҳаракатларини амалга оширишни назарда тутмайди. Акс ҳолда, профессор М.М.Мамасиддиқов тўғри таъкидлаганидек, фуқаролик суд ишларини юритишнинг қонунда назарда тутилмаган босқичи юзага келиши мумкин.⁴ Ушбу қонуннинг аҳамиятини ҳуқуқшунос олим В.Ф.Ковин ҳам қуйидагича баён этади: аризани қабул қилмасдан тайёрлов ҳаракатларининг амалга оширилиши манфаатдор шахсларнинг айрим ҳаракатларни, хусусан, далилларни тақдим этиш, иш материаллари билан танишиш, ўз талаб ва эътирозларини билдириш каби ҳаракатларни амалга оширишда шахсан иштирок этиш имкониятидан маҳрум этади.⁵

Ишни суд муҳокамасига тайёрлаш тўғрисидаги ажримнинг чиқарилиши судья томонидан ишни судда кўришга тайёрлаш ҳаракатларининг бошлаганидан далолат беради.

Ишга тиклаш тўғрисидаги низоли ишларни судда кўришга тайёрлаш босқичида фуқаролик процессуал қонунчилиги ва айрим ўринларда меҳнат қонунчилиги ҳам бир қатор хусусиятларни назарда тутаяди. Масалан, ФПКнинг 202-моддасига кўра, фуқаролик ишларини суд муҳокамасига тайёрлаш ариза қабул қилинган ва фуқаролик иши қўзғатилган кундан эътиборан ўн кунлик муддатдан кечиктирмай амалга оширилиши керак. Алоҳида ҳолларда, бу муддат ўта мураккаб ишлар бўйича судьянинг асослантирилган ажримига биноан йигирма кунга узайтирилиши мумкин. Бироқ меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган талаблар тўғрисидаги ишлар бундан мустасно. Бошқача айтганда, меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган талаблар тўғрисидаги ишларни суд муҳокамасига тайёрлаш ариза қабул қилинган ва фуқаролик иши қўзғатилган кундан эътиборан ўн кунлик муддатдан кечиктирмай амалга оширилиши шарт. Бинобарин, процессуал қонунчиликда ушбу тоифадаги ишлар бўйича бу каби имтиёзларнинг белгиланишига сабаб меҳнат муносабатларининг табиати, яъни меҳнат муносабатлари орқали олинадиган иш ҳақи ходим

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 24 августдаги “Фуқаролик ишларини суд муҳокамасига тайёрлаш тўғрисида”ги 26-сон қарори // <https://lex.uz/acts/3897686>

² Мамасиддиқов М.М. Фуқаролик суд ишларини юритишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалари Монография. - Тошкент: АҚҚМИ, 2013. - 109 бет.

³ Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи: Дарслик. -Тошкент: Адолат, 2001, -199 б.

⁴ Мамасиддиқов М.М. Агар маъмурият сизни ишдан бўшатса. Рисола. -Тошкент: ТДЮИ нашриёти, 2009. -21 б.

⁵ Комментарий Гражданскому процессуальному законодательству. -М.: Юрид.лит. 1991. - 265 с.



ва унинг оила аъзолари учун асосий даромад манбаи ҳисобланишидандир.¹

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ўрганилган айрим хорижий давлатларнинг фуқаролик процессуал қонунчилигида мамлакатимиз қонунчилиги каби ишни суд муҳокамасига тайёрлаш учун махсус муддат белгиланганлиги, айрим давлатларда эса ишни суд муҳокамасига тайёрлаш учун махсус муддат белгиланмаганлигини, бу муддат ишни судда кўриш муддатини ичига кириб кетишини кўриш мумкин. Шулардан келиб чиқиб, бу каби давлатларни қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

Биринчидан, қонунчиликда ишни суд муҳокамасига тайёрлаш учун махсус муддат белгиланган давлатлар (Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 202-моддаси, Қозоғистон Республикаси ФПКнинг 164-моддаси,²);

Иккинчидан, қонунчиликда ишни суд муҳокамасига тайёрлаш учун махсус муддат белгиланмаган давлатлар (Россия Федерацияси ФПКнинг 154-моддаси, Беларусь Республикаси ФПКнинг 158-моддаси,³ Тожикистон Республикаси ФПКнинг 157-моддаси⁴, Қирғизистон Республикаси ФПКнинг 157-моддаси,⁵ Озарбайжон Республикаси ФПКнинг 172-моддаси⁶, Эстония ФПКнинг 397-моддаси⁷ шулар жумласидандир.

Кўриб турганимиздек, аксарият давлатларнинг ФПКда ишни суд муҳокамасига тайёрлаш учун махсус муддат белгиланмаганлигини, бу муддат ишни судда кўриш муддатини ичига кириб кетади.

Ишни суд муҳокамасига тайёрлаш учун махсус муддат белгиланганлиги билан ўзаро ўхшаш бўлган Ўзбекистон ва Қозоғистон Республикаси ФПКда ишни судда кўришга тайёрлашнинг умумий муддатларида фарқлар кўзга ташланади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 202-моддасига кўра, фуқаролик ишларини суд муҳокамасига тайёрлаш ариза қабул қилинган ва фуқаролик иши кўзғатилган кундан эътиборан ўн кунлик муддатдан кечиктирмай амалга оширилиши керак. Алоҳида ҳолларда, бу муддат ўта мураккаб ишлар бўйича судьянинг асослантирилган ажримига биноан йигирма кунга узайтирилиши мумкин, бундан алимент ундириш ҳақидаги, майиб бўлганлик ёки соғлиққа бошқача тарзда шикаст етказилганлиги, шунингдек боқувчисининг вафот этганлиги муносабати билан етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш ҳамда меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган талаблар тўғрисидаги ишлар мустасно.

Қозоғистон Республикаси ФПКнинг 164-моддасида эса фуқаролик ишларини суд муҳокамасига тайёрлаш, агар ушбу Кодексда ва бошқа қонунларда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, даъво суд муҳокамасига қабул қилинган кундан бошлаб йигирма иш кунидан кечиктирмай амалга оширилиши керак.

Алоҳида ҳолларда, бу муддат ўта мураккаб ишлар бўйича ишни суд муҳокамасига тайёрлаш учун белгиланган муддат тугаши билан бу муддат судьянинг ихтиёрига кўра кўшимча бир ойга узайтирилиши мумкин, алимент ундириш, соғлиққа етказилган зарарни қоплаш, шунингдек боқувчисини йўқотиш ва меҳнат муносабатларидан келиб чиқадиган даъволар бундан мустасно.

Кўриб турганимиздек, Ўзбекистон қонунчилигида ишни суд муҳокамасига тайёрлаш муддатлари $10+10=20$, Қозоғистон қонунчилигида бу маддат $20+10=30$ схемани ташкил қилади. Яъни мамлакатимиз қонунчилиги бўйича ишни суд муҳокамасига тайёрлаш муддатини қиёслаганда нисбатан қисқа эканлигини кўриш мумкин. Қолаверса, эътибор қилинса, Қозоғистон Республикаси ФПКга кўра, дам олиш, байрам

¹ Пивоваренко В.В. Процессуальные особенности рассмотрения дел о восстановлении на работе в суде первой инстанции // International Journal of Humanities and Natural Sciences, vol.6, part 1. -130 с.

² Қозоғистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси // https://online.zakon.kz/document/?doc_id=34329053&sub_id=1640000&pos=2482;-36#pos=2482;-36

³ Беларусь Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси // https://kodeksy-by.com/grazhdanskij_protssualnyj_kodeks_rb.htm

⁴ Тожикистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси // <http://ncz.tj/content>

⁵ Қирғизистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси // <http://cbd.minjust.gov.kg/act/view/ru-ru/111521?cl=ru-ru>

⁶ Озарбайжон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси // https://continent-online.com/Document/?doc_id=30420065#pos=1619;-56

⁷ Эстония Фуқаролик процессуал кодекси // <https://www.juristaitab.ee/sites/www.juristaitab.ee/files/elfinder/ru-seadused>



кунларига тўғри келадиган кунлар ушбу процессуал муддатга киритилмаган.

ФПКда ишни суд муҳокамасига тайёрлаш учун махсус муддат белгиланмаган давлатлар (Россия Федерацияси, Беларусь, Озарбайжон, Эстония, Тожикистон, Қирғизистон) қонунчилик тажрибаси шуни кўрсатадики, ушбу давлатларда ишни судда кўриш муддатлари мамлакатимиз қонунчилигида белгиланган мос муддатлардан кўра кўпроқни ташкил этади.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, ўрганилган айрим хорижий давлатларнинг ФПКда ишни суд муҳокамасига тайёрлаш муддатларини белгилашда айрим тоифадаги фуқаролик ишлари учун махсус (қисқартирилган) муддатлар назарда тутилмаганлигини кўриш мумкин. Масалан, Эстония ФПКнинг 397-моддаси, Озарбайжон Республикаси ФПКнинг 172-моддасида шу каби ҳолатни кўришимиз мумкин. Шунингдек, Россия Федерацияси ФПКнинг 154-моддаси иккинчи қисми, Тожикистон Республикаси ФПКнинг 157-моддаси иккинчи қисми ва Қирғизистон Республикаси ФПКнинг 157-моддаси иккинчи қисмида ишга тиклаш тўғрисидаги ишларни судда кўриб чиқиш ва ҳал қилиш учун махсус муддат белгиланган бўлиб, меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқувчи бошқа тоифадаги ишлар учун махсус муддат назарда тутилмаган.

Аксинча, Ўзбекистон, Қозоғистон ва Беларусь Республикаларининг ФПКда ишни суд муҳокамасига тайёрлаш учун махсус муддат нафақат ишга тиклаш тўғрисидаги низоли ишларга, балки меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқувчи бошқа тоифадаги ишлар учун ҳам татбиқ этилиши назарда тутилган.

Юқоридаги хорижий давлатларнинг фуқаролик процессуал қонунчилигини таҳлил қилиш натижасида шундай хулосага келиш мумкинки, сўнгги йилларда фуқаролик ишларини судда кўришга тайёрлаш муддатларини қонунчиликда белгилаш билан боғлиқ кузатилаётган тенденция ушбу муддатларни ишни судда кўриш ва ҳал этиш муддатлари билан бирлаштиришни кўрсатмоқда. Ўз навбатида юридик адабиётларда ҳам ҳуқуқшунос олимлар ушбу муддатларни бирлаштиришни оптимал эканлигини таъкидлайдилар.¹

Дарҳақиқат, фуқаролик ишларини судда кўришга тайёрлаш муддатларини ишни судда кўриш ва ҳал этиш муддатлари билан бирлаштиришнинг айрим афзалликлари мавжуд. Масалан, ФПКнинг 205-моддасига кўра, судья иш етарли даражада тайёрланган деб топгач, уни суд мажлисида муҳокама қилишга тайинлаш тўғрисида ажрим чиқариши ҳамда тарафлар ва суд процессининг бошқа иштирокчиларини ишни кўриш вақти ва жойи ҳақида хабардор қилиш юзасидан чоралар кўриши назарда тутилган. Бироқ қонунчиликда ишни суд мажлисида муҳокама қилишга тайинлаш тўғрисида ажрим чиқарилган кун билан ишни судда кўриш ўртасида қанча муддат бўлиши кераклиги, бошқача айтганда, ишни суд муҳокамасига тайёрлаш муддати билан ишни судда мазмунан кўриш муддати ўртасидаги муддат ҳақида тушунтириш ёки бирон бир норма назарда тутилмаган. Бу эса сунъий равишда ишни судда кўришни пайсалга солшга олиб келади. Шундай экан, бизнинг фикримизча, судья аризани қабул қилиш ва иш қўзғатиш тўғрисида ажрим чиқарганидан сўнг ишни мазмунан кўриб, пировардида якуний қарор (ҳал қилув қарори) чиқаргунгача бўлган муддат умумий, ягона ва яхлит бўлиши мақсадга мувофиқ бўлади.

ФПКда ишни суд муҳокамасига тайёрлаш учун муддат белгиланмаган ва ушбу муддатларни ишни судда кўриш ва ҳал этиш муддатлари билан бирлаштирган давлатлар (Россия Федерацияси, Беларусь, Озарбайжон, Эстония, Тожикистон, Қирғизистон)нинг қонунчилик тажрибаси ижобий эканлигини эътироф этган ҳолда Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 202-моддаси чиқарилиши кераклигини ва мазкур Кодекснинг “Фуқаролик ишларини кўриш ва ҳал қилиш муддатлари” деб номланган 207-моддаси биринчи қисми куйидаги мазмунда баён этилишини таклиф қиламиз:

“Ишлар суд муҳокамасига тайёрлаб бўлинган кундан эътиборан икки ойдан кечиктирмай суд томонидан кўрилади ва ҳал қилинади. Бу муддат ўта мураккаб ишлар бўйича судьянинг асослантирилган ажримига кўра уч ойгача узайтирилиши мумкин, бундан ушбу модданинг иккинчи қисмида кўрсатилган ишлар мустасно.”

¹ Беков Я.Х. Подготовка дела к судебному разбирательству в гражданском судопроизводстве // Автореф. дисс. соиск. учен. степ. канд. юрид. наук. -Москва. 2009. -11 с.



МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ВАКИЛЛИК ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИДА СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ИШТИРОКИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Т.Агаджанов,

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Администрацияси ходими

Аннотация: Мақолада маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятида сиёсий партия гуруҳлари иштирокининг шакл ва усуллари ҳамда мазкур йўналишдаги масалалар ёритилиб, ушбу соҳадаги муаммолар илмий таҳлил қилинган, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятида сиёсий партия гуруҳлари иштирокининг шакл ва усуллари янада такомиллаштиришга қаратилган таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: Маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари, сиёсий партия гуруҳлари, кўппартиявийлик, депутат, партия ва сайлов.

Сиёсий партияларнинг ислоҳотлар жараёнидаги жамиятни янгилаш ва модернизация қилиш, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишдаги роли ва аҳамияти кучайиб бормоқда. Партиялар фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий, молиявий шарт-шароитлари мустаҳкамланмоқда, уларнинг халқ орасидаги обрўси ортиб, давлат аҳамиятига молик қарорлар қабул қилишдаги таъсири тобора ортиб бормоқда.

2019 йил “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили” Давлат дастурида Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси аъзоларини Олий Мажлис, вилоят, туман ва шаҳар давлат органлари раҳбарларини тегишли халқ депутатлари Кенгашлари томонидан тасдиқлаш амалиётини жорий этиш сиёсий партиялар, уларнинг вакиллик органларидаги бирлашмаларига давлат бошқарувида иштирок этиш учун кенг имкониятлар беради [1]. Ушбу имкониятлар сиёсий партияларга фуқаролар манфаатларини рўёбга чиқариш борасидаги масъулиятини ҳам кучайтиради.

Таъкидлаш жоизки, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тизимининг муҳим бўғини ҳисобланган маҳаллий вакиллик институтининг қонунлар ижросини таъминлашдаги роли ва масъулияти масаласи бугунги кунда маъмурий ислоҳотлар самарадорлигининг муҳим кўсаткичидир.

Ҳозирга қадар маҳаллий кенгашлардаги партиялар иштирокининг муҳим шакли Кенгашлардаги партия гуруҳлари ҳисобланади. Афсуски, партия гуруҳлари ўзларига тақдим этилган ҳуқуқлардан етарлича фойдаланмасдан келишмоқда. Ҳуқуқшунос олим А.Махмудов қайд этишича, “Аксарият маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари тегишли ҳудудда жойлашган давлат органи раҳбарининг ўз фаолияти масалалари юзасидан ҳисоботини ёки ахборотини халқ депутатлари Кенгашининг сессияларида эшитиш ҳақида таклифлар киритиш, сўров билан мурожаат қилиш деярли ва вилоят ҳамда Тошкент шаҳар ҳокими лавозимига тасдиқланган шахсларнинг қоникарсиз фаолияти тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига асосланган хулосалар тақдим этиш ташаббуси ҳуқуқидан умуман фойдаланилмаган” [2]. Бундан кўринадики, маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳларига ҳуқуқларнинг тақдим этилишининг ўзигина етарли эмас. Балки ушбу тизимни ҳаракатга келтирадиган бутун механизмни такомиллаштириш зарур.

Ҳуқуқий амалиётда эксперимент ўтказиш усули ҳам мавжудки, бу орқали ижобий, янги ғоялар муайян ҳудудларда татбиқ этилиб, кейинчалик ижобий натижа кўрсатган тажриба оммалаштирилади. Бугунги кунда маҳаллий бошқарув тизимини янада такомиллаштириш бўйича ўтказилаётган эксперимент усули Тошкент шаҳрида ўтказилаётганлиги таҳсинга лойиқ. Унга кўра, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 15 августдаги “Тошкент шаҳрида инвестиция муҳитини яхшилаш бўйича экспериментни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди [3].

Маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятида сиёсий партиялар иштирокини фаоллаштириш мақсадида қуйидагиларни амалга оширишни жоиз деб ҳисоблаймиз:

- 1) янги ташкил этиладиган Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашида



тузиладиган депутатлар гуруҳи ўз вакили Кенгаш раисининг ўринбосари лавозимларидан бирини эгаллашида кафолатли ҳуқуққа эга эканлигини белгилаш. Ўз навбатида, Кенгаш раиси ўринбосарини сайлаш учун қоида тарикасида, депутатлар гуруҳининг раҳбари номзодини киритиш тартибини жорий этиш;

2) “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунда депутатлик назорати ва маҳаллий Кенгаш назорати шакллари баътафсилроқ тартибга солиш, айниқса, “маҳаллий Кенгаш назорати”ни алоҳида назорат шакли сифатида белгилаб, унинг ҳуқуқий мақомини кучайтириш;

3) Маҳаллий Кенгашлар веб-сайтларида “Депутатлик сўровига жавоблар” рукнини ташкил этиб, унда ҳудудлардаги долзарб ижтимоий-иқтисодий масалалар ечими юзасидан халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлари томонидан мутасадди тузилмаларга юборилган депутатлик сўровлари юзасидан амалга оширилган ишлар мисолида тахлилий мақолалар бериб бориш.

Хулоса қилиб айтганда, маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари назорат ваколатларини кучайтириш, унда партиялар гуруҳлари иштирокини кенгайтириш ҳудудлардаги ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга молик долзарб муаммоларни, шунингдек фуқароларни қийнаётган масалаларни ҳал этишда муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Махмудов А.А. Ўзбекистон Республикасида маҳаллий вакиллик органларининг назорат фаолиятини такомиллаштириш: Юрид. фан. бўйича фал. докт ... дисс. автореф. –Тошкент, 2019 –Б. 16.

2. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси – www.lex.uz, 16.08.2018 й., 06/18/5511/1761-сон.

3. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси – www.lex.uz, 18.01.2019, 06/19/5635/2502-сон.



YOSHLARNING HUQUQIY ONGI VA MADANIYATINI SHAKLLANTIRISHNING DOLZARB MASALALARI

Sobirova Sunbula Alijonovna
Xorazm viloyati Tuproqqal'a tumani
19-maktab o'qituvchisi
Telefon: +998973620904

Avezova Sanobar Rajabbayevna
Xorazm viloyati Tuproqqal'a tumani
19-maktab o'qituvchisi
Telefon: +998974590454

Annotatsiya: Ushbu maqolada yoshlarning huquqiy ongi va madaniyatini shakllantirish masalalari xususida fikr yuritilgan.

Kalit so'zlar: Huquqiy ong, huquqiy madaniyat, faoliyat, dolzarb masala.

Yoshlarning huquqiy ongini hamda madaniyatini shakllantirish hozirgi davrning ustuvor vazifalaridan biri hisoblanadi. Mamlakatimizning kelajagi bugungi kunda yosh avlodga qanchalik e'tibor berilishiga bog'liq ekan., o'z navbatida, huquqiy demokratik davlat va fuqarolik jamiyatini barpo etish maqsadi, yoshlar huquqiy ongi va madaniyatini yuksaltirishni talab etadi.

Mamlakatimiz aholisining 60 foizdan ortig'ini yoshlar tashkil etishni inobatga olsak, ularning katta kuch va salohiyatga ega ekanligiga guvoh bo'lamiz. O'zbekiston Respublikasida mustaqillik davrida yoshlar, ularning ijtimoiy himoyasi, ta'lim va tarbiyasi, sog'lig'i masalalari davlat siyosati darajasiga ko'tarildi. Yildan yilga yoshlarimizga davlat tomonidan ko'rsatilgan g'amxo'rlik son va sifat jihatidan yuqori bosqichga ko'tarilmoqda. Ularga yangi va zamonaviy kollejlari, maktablar, ta'lim muassasalari, sport va sog'lomlashtirish inshootlarning barpo etilayotganligi, yosh bolali oilalarga davlat tomonidan moddiy mablag'lar ajratilayotganligi, davlatimiz rahbari tashabbusi bilan boshlang'ich sinf o'quvchilariga bepul o'quv qurollarining berilayotganligi va boshqa kundalik hayotimizda ko'rishimiz mumkin. Bu ajratilayotgan mablag'lar o'z vaqtida, belgilangan joyga yetib boryaptimi?

Mamlakatimizda yoshlarning huquqiy ta'limi qay holatda? Ularning huquqiy ong va madaniyatining yetukligi talab darajasidami? Bu kabi savollar bizni biroz o'ylantiradi.

Yoshlar huquqiy ongi va madaniyati xususida fikr yuritganda, birinchi navbatda, e'tiborni huquqiy ong va huquqiy madaniyat tushunchalariga qaratish maqsadga muvofiqdir. Huquqiy ong va madaniyat jamiyat huquqiy tizimining zaruriy tarkibiy qismidir. Huquqiy tizimning samarali harakati yuksak huquqiy ong va madaniyatga tayanadi. Shundan kelib chiqqan holda, huquqiy ong va huquqiy madaniyat tushunchalari hamda ular o'rtasidagi uyg'unlik to'g'risida fikr bildiramiz. Huquqiy ong va madaniyat jamiyat huquqiy tizimining zaruriy tarkibiy qismidir. Huquqiy tizimning samarali harakati yuksak huquqiy ong va madaniyatga tayanadi. Shundan kelib chiqqan holda, huquqiy ong va huquqiy madaniyat tushunchalari hamda ular o'rtasidagi uyg'unlik to'g'risida fikr yuritimiz.

Huquqiy ong huquqiy tizimning muhim tarkibiy qismi hisoblanadi. Huquqiy ongning yuksalishi inson ongining shakllanib borishi bilan birga kechadi. Huquqiy ong insonlar ongida huquq to'g'risidagi qarashlar, g'oyalar, fikrlar, tushunchalar va tasavvurlarning aks etilishidir. Yuksak darajada shakllangan huquqiy ong huquqiy-demokratik davlat barpo etishning asosiy omilidir. Albatta, huquqiy ongning rivoji olib borilayotgan huquqiy tarbiya bilan bog'liq. Agar huquqiy tarbiya to'g'ri yo'lga qo'yilgan bo'lsa, o'z-o'zidan huquqiy ongning shakllanishi yuzaga keladi. Huquqiy ongning shakllanishi huquqiy madaniyat rivojining asosidir. Huquqiy ong huquqiy madaniyatning zaruriy elementi sifatida ifodalanadi. Aytish mumkinki, qachonki kishilar ongida huquqiy qarashlar, bilimlar, tasavvurlar shakllanib, amaliy faoliyatga ijobiy tarzda yo'naltirilsa, huquqiy madaniyatga aylanadi. Huquqiy madaniyatni yuksaltirish mamlakatimiz o'z oldiga qo'ygan buyuk maqsadlarga erishishning zaruriy sharti hisoblanadi. Huquqiy madaniyat ijtimoiy madaniyatning bir shakli bo'lib, huquqni bilish, unga og'ishmay rioya etish va o'zgalarning huquq va erkinliklariga hurmat munosabatida bo'lishda ifodalanadigan ijtimoiy hodisadir.

Madaniyat inson faoliyatining ham mahsuli, ham sifat ko'rsatkichidir. Shu bilan birga insonning



o‘zi ham pirovard natijada madaniyat mahsulidir. Madaniy muhit qanday bo‘lsa, inson ham shunday shakllanadi. Huquqiy madaniy muhit insonlar huquqiy ongini shakllantirish bilan birga ularni huquq asosida harakatlanishning bosh mezonidir. Bugungi kunda mamlakatimizda yoshlar huquqiy ongi va madaniyatini yuksaltirishda quyidagi masalalarga e‘tibor berish lozim:

- Huquqiy ong va madaniyatning ilk kurtaklari oilada shakllanadi. Ayrim ota-onalar hattoki, farzandlarining qayerda bo‘lishi-yu, nima ish bilan shug‘ullanayotganligiga unchalik e‘tibor bermaydilar. Albatta, bu katta fojialarga olib kelishi mumkin;

- Jamiyatning asosiy bo‘g‘ini hisoblangan oiladan boshlab farzandlarning huquqiy ongini shakllantirish masalasiga chuqurroq yondashish;

- Maktab, kollej va boshqa o‘quv maskanlarida huquqiy ta‘lim-tarbiya jarayonlariga ko‘proq vaqt va dars soatlari ajratilishi. Chunki yoshlar konstitutsiya, qonun, huquq, burch va mas‘uliyat haqidagi tushunchalar va ularning mohiyatini aynan shu maskanlarda o‘rganadilar;

- Huquqiy ong va madaniyatni yuksaltirishga mas‘ul bo‘lgan muassasalar huquqni muhofaza qilish xodimlari, ta‘lim muassasalarining bu boradagi faoliyatini zamon talablaridan kelib chiqqan holda takomillashtirish.

Bining barcha harakatlarimiz komil insonni tarbiyalashga yo‘naltirilgan.

Yangi asrda dunyo taraqqiyotini, insoniyatning qay yo‘ldan borishini komil insonlar belgilashga shubha yo‘q. Yurt kelajagi yoshlar qo‘lida. Mamlakatimizda insonparvarlik va odillik g‘oyalari asoslangan holda amalga oshirilib kelayotgan bu kabi vazifalarning asosiy maqsadi barkamol avlodni yetishtirish hamda kelajak poydevorini mustahkamlashdan iborat.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. Muhiddinova F. Siyosiy va huquqiy ta‘limotlarda barkamol avlod tarbiyasining tutgan o‘rni-Toshkent-2015.

2. Musayev M. A. Voyaga yetmaganlarning huquq va manfaatlarini himoya qilishning o‘ziga xos xususiyatlari –Toshkent:2015



МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИҚДА ЖИНОИЙ ЖАВОБГАРЛИҚДАН ОЗОД ҚИЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

Акрамова Муаззам Турдикул қизи,
Тошкент давлат юридик университети
ихтисослаштирилган филиали
Жиноят ҳуқуқий фанлар
кафедраси ўқитувчиси
Телефон: +998977567618
muazzamxon93@gmail.com

АННОТАЦИЯ: Ҳозирги кунда мамлакатимиз жиноий ҳуқуқий сиёсатида жавобгарликдан озод қилишнинг янги турларини ишлаб чиқиш ва мавжуд турларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга аҳамият берилмоқда. Мазкур мақола мамлакатимиз жиноят қонунчилигида ярашилганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилишнинг жиноят-ҳуқуқий жиҳатларини очиқ беради.

КАЛИТ СЎЗЛАР: Ярашув, келишув, фуқаровий даъвогар, ёзма ариза, жабрланувчининг розилиги, зарарни қоплаш.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси 66¹-моддасида ярашилганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш асослари белгиланган. Унга кўра, ушбу кодекс тегишли моддаларида жиноятларни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкин. Оғир ёки ўта оғир жиноятларни содир этганлик учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахслар ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилинмайди. Бир қанча олимлар “жиноятлар жабрланувчилари ва ҳуқуқбузарлар ўртасидаги келишмовчиликка воситачилик қилиш халқаро ижтимоий иш амалиётининг ривожланаётган соҳасини англатади” деб таъкидлайдилар. 2002 йил 25 октябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида»ги қарорнинг 2-бандида, судлар шуни назарда тутишлари керакки, ярашув тўғрисидаги аризанинг шакли, мазмуни ва уни тақдим этиш тартибига нисбатан қонунда муайян талаблар қўйилган. Ярашув тўғрисидаги ариза ҳар доим ёзма шаклда тақдим этилиб, унда жиноят натижасида етказилган зарар бартараф этилганлиги ёки жабрланувчининг зарардан воз кечганлиги ва ярашилганлиги муносабати билан жиноят ишини тугатиш ҳақидаги илтимос кўрсатилган бўлиши лозим.

Ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш тушунчаси юзасидан турли хил ёндашувлар мавжуд. Булар: биринчи ёндашувга кўра, жиноий жавобгарликдан озод қилиш институтининг таркибий қисми ҳисобланиши; иккинчи ёндашувга кўра, жиноий жавобгарлик ва жазодан озод қилиш институтининг таркибий қисми ҳисобланиши; учинчи ёндашувга кўра, мажбурлов тавсифига эга бўлмаган жиноий-ҳуқуқий таъсир чоралари институтининг таркибий қисми; тўртинчи ёндашувга кўра, жиноий жавобгарлик ёки ҳукм қилиш оқибатларини бартараф қилиш асослари институтининг таркибий қисми ҳисобланади. Содир этган ижтимоий хавфли қилмиши учун жабрланувчи билан ярашган, моддада назарда тутилган шартларни бажарган шахсга нисбатан суднинг айблов ҳукми чиқишидан озод қилиниши, судланганлик ҳуқуқий ҳолатининг келиб чиқмаслиги, ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш деб топилади¹.

Н.Э.Мартиненконинг фикрича, Жиноят кодексининг 66¹-моддасида қуйидаги шартларнинг комбинацияси бўлиши керак. Жиноят кодексининг ушбу моддасини икки гуруҳга бўлиш мумкин: асосий мезон – айбланувчининг ва жабрланувчининг хоҳишига, истамаслигига боғлиқлиги ёки мустақиллиги; объектив, яъни шахс биринчи марта жиноят содир этган; ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноят ва субъектив, яъни жиноятни содир этган шахс ва жабрланувчи ўртасида ярашиш ҳақиқийлиги; шахс

¹ Пайзиев Ю.Д. Ярашилганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш институни такомиллаштириш. Юридик фан номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Тошкент, 2021. – Б.12.



томонидан жиноят натижасида етказилган зарарни қоплаш, айбланувчининг суд, прокурор, шунингдек терговчи ва терговчининг тан олинishi ва ярашувнинг амалга оширилишига розилиги, жиноят ишини тугатиш¹.

Ярашувда объектив ва субъектив белгиларнинг тўлиқ комбинацияси бўлиши керак.

Ярашилганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилишда, тарафларнинг хоҳиши, зарар қопланганлиги, бунга суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг иродаси инобатга олинishi зарур.

Жиноят қонуни билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатга ижтимоий хавфлилик хусусиятини ўзида жамлаган аниқ ҳуқуқбузарликни жиноят натижасида етказилган зарар деб ҳисоблаш зарур².

Жабрланувчи билан ярашиш муносабати билан жиноий терговнинг тугатилиши, биринчи навбатда, жабрланувчининг мақомини оширади, иккинчидан, Жиноят кодексига мустаҳкамланган инсонпарварлик тамойилини амалга оширади. Учинчидан, жиноий репрессияни камайтиришга олиб келади. Тўртинчидан, замонавий иқтисодий шароитида кам аҳамиятга эга бўлмаган нарса одил судловни амалга ошириш учун моддий харажатларни тежашга олиб келади³.

тан олинади⁴.

Келтирилган зарар пул ёки натура шаклида қопланиши мумкинлиги жиноят содир этган шахсга энгилликлар олиб келади.

О.А. Бозор муносабатлари даврида мамлакат иқтисодиётини юксалтириш, хориж давлатларнинг иқтисодий санкцияларни қўллаш орқали маҳкумларни ахлоқий тарбиялашга эмас, балки мулкий тўлов эвазига тарбиялашга эътибор қаратилиши жиноят содир этган шахсларни тарбиялаш усули ҳисобланади.

Ушбу жавобгарликдан озод қилиш турини қўллаш учун шахснинг қилган жиноятлар сони, улардан қайси бирига нисбатан қўлланиш мумкинлиги, жабрланувчиларнинг барчаси розилиги ҳисобга олинади.

Компенсация натура шаклида (масалан, йўқ қилинган жойни алмаштириш учун мол-мулк билан таъминлаш, бузилган қийматни тиклаш) ва нақд пулда (мулк қийматини тўлаш, даволаниш харажатлари) мумкин⁵.

О.А.Мачучинанинг фикрича, яраштириш институтининг муҳим таркибий қисмлари куйидагилардан иборат: субъектларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида, томонларнинг келишувларида мустаҳкамланган ва одат нормаларида белгиланган ҳаракатларининг аниқ кетма-кетлиги; ҳуқуқий низони ҳал қилиш ва бошқариш бўйича ҳаракатларнинг мақсадга мувофиқлиги (асосий); шахсий таркиби; ярашиш институтини амалга ошириш натижаларини махсус процессуал шаклда расмийлаштириш; ироданинг ихтиёрий ифодаси мавжудлигидир. Функционал қисм ярашув институтининг қадриятлари орқали аниқланади: устувор йўналиш сифатида давлат сиёсати, вақтни тежаш, субъектнинг кизиқишлари мувозанати ва бошқалар ҳисобланади. Кенг маънода ярашув – бу аниқ мақсадга эришишга қаратилган муайян кетма-кет ҳаракатларни амалга ошириш учун розилик мавжудлиги ёки қабул қилиниши билан тавсифланадиган ҳуқуқий кетма-кетликнинг бир тури. Тор маънодаги ярашув изчил, мақсадга мувофиқ ҳаракатларни амалга ошириш натижасидир; унинг барча иштирокчиларининг иродасига биноан ярашув актини белгилайдиган, ярашув субъектлари ўртасидаги муносабатларни расмийлаштирадиган ҳужжат. Бундай ҳолда розилик (келишув) яраштириш билан бир хил бўлади⁶.

¹ Мартыненко Н.Э. Проблемы применения нормы о примирении с потерпевшим. // Вестник Нижегородского университета им. Н.И. Лобачевского. – 2012. – № 4. – С. 335.

² Шумаков С.А. Уголовно-правовое значение возмещения ущерба, причиненного преступлением. Автореф. дисс. на сос. Учеп. степ. канд. юрид. наук. – Краснодар, 2022. – С.7.

³ Мартыненко Н.Э. Проблемы применения нормы о примирении с потерпевшим. // Вестник Нижегородского университета им. Н.И. Лобачевского. – 2012. – № 4. – С. 338.

⁴ Ануфриева З.Н. Примирение с потерпевшим как основание освобождения от уголовной ответственности. // International journal of humanities and natural sciences. – 2019. – № 8. – С.115.

⁵ Мачучина О.А. Институт примирения: теоретико-правовые основы. Автореф. дисс...канд. юрид. наук. – Калининград, 2018. – С.18.

⁶ Мачучина О.А. Институт примирения: теоретико-правовые основы. Автореф. дисс...канд. юрид. наук. – Калининград, 2018. – С.21.



О.А.Владимированинг таъкидлашича, жабрланувчи билан ярашиш муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш тўғрисидаги қоидалар мажбурий бўлиши керак.

Қонунчиликда жиноий жавобгарликдан озод қилиш қўлланилмаслиги сабаблари кўрсатилмаган. Амалдаги қонунда мавжуд бўлган яраштириш қоидаларининг мажбурий бўлмаган қўлланилиши жиноят ишларида қарор қабул қилишда ҳаддан ташқари субъективликни келтириб чиқаради. Амалда, ярашиш учун жиноий ишни тугатишни рад этишнинг сабаби, масалан, айблов хулосаси билан жиноят ишларини судга юбориш кўрсаткичларини ошириш истаги бўлиши мумкин. Шу сабабдан Жиноят кодексининг 66¹-моддасидаги “жавобгарликдан озод қилиниши мумкин” сўзларини – “озод қилинади”га алмаштирилиши керак¹.

О.А.Владимированинг таъкидлашича, жиноий жавобгарлик жиноят содир этилган пайтдан бошлаб вужудга келиши ва жабрланувчи, шу вақтнинг ўзида мавжуд бўлганлиги сабабли жиноий иш қўзғатилишидан олдин ҳам яраштириш ва жиноий жавобгарликдан озод қилиш ҳуқуқини бериш мантиққа тўғри келади. Бундан ташқари, жиноятни содир этган шахс жабрланувчининг жиноят билан бузилган ҳуқуқларини тиклаш учун, бунинг учун чоралар кўриш ва иккинчи инстанция судида жиноят иши бўйича иш юритишда ва ҳукми ижро этиш босқичида рағбатлантиришдан воз кечиш мумкин эмас. Иккинчи ҳолатда, жазони ўташдан шартли озод қилишни назарда тутиш мумкин. Жиноят кодексининг 66¹-моддаси қуйидаги мазмундаги 6-кисм билан тўлдирилиши керак².

Ярашувнинг жиноят иши қўзғатилгунга қадар ва кейинги инстанция судларида воз кечилиши мумкин эмаслиги жавобгарликдан озод қилишнинг ушбу турининг қамрови кенгайиши ва инсонпарварлик тамойилининг ифодаланишига хизмат қилади. Ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш масаласи долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Юқоридагилардан келиб чиқиб қуйидагиларни таклиф қилмоқчиман:

Биринчидан: Жиноят кодекси 66¹-моддасидаги ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш моддаси “жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса” деган сўз қуйидаги сўзлар билан алмаштирилиши керак: агар шахс жабрланувчи билан ярашган бўлса ва жиноят содир этилиши натижасида жабрланувчига жиноят оқибатларини бартараф этган бўлса” деган сўзлар билан алмаштирилиши керак.

Иккинчидан, ЖКни 66¹-моддаси қуйидаги таҳрирда ўзгартириш таклиф этилган:

ЖКни 66¹-моддасидаги жавобгарликдан озод қилиниши мумкин деган сўзлар “жавобгарликдан озод қилинади” деган жумла билан алмаштирилиши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Пайзиев Ю.Д. Ярашилганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш институти такомиллаштириш. Юридик фан номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Тошкент, 2021. – Б.12.
2. Мартыненко Н.Э. Проблемы применения нормы о примирении с потерпевшим. // Вестник Нижегородского университета им Н.И. Лобачевского. – 2012. – № 4. – С. 335.
3. Шумаков С.А. Уголовно-правовое значение возмещения ущерба, причиненного преступлением. Автореф.дисс. на сос. Учеп.степ.канд.юрид.нук. – Краснодар, 2022. – С.7.
4. Ануфриева З.Н. Примирение с потерпевшим как основание освобождения от уголовной ответственности. // International journal of humanities and natural sciences. – 2019. – № 8. – С.115.

¹ Владимирова О.А. Освобождение от уголовной ответственности в связи с примирением с потерпевшим. Автореф. дисс...канд.юрид.наук. – Самара, 2015. – С.16.

² Владимирова О.А. Освобождение от уголовной ответственности в связи с примирением с потерпевшим. Автореф. дисс...канд.юрид.наук. – Самара, 2015. – С.17.



ЮРТИМИЗДА ГЕНДЕР ТЕНГЛИГИ БЎЙИЧА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАР БЎЙИЧА ТУШУНТИРИШ

Г.Рахимова

Тошкент вилоят маъмурий
суди судьяси

АННОТАЦИЯ: Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий-демократик ривожланишининг бугунги кундаги асосий йўналиши ва тамойиллари негизида аввало, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, унинг қонуний манфаатлари ҳамда халқнинг фаровонлиги ётади. Мазкур мақола хотин-қизлар ва эркаклар ўртасидаги муносабатларнинг жамият ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳаларида, шу жумладан сиёсат, иқтисодиёт, ҳуқуқ, мафкура ва маданият, таълим ҳамда илм-фан соҳаларида намоён бўладиган ижтимоий жиҳатларини очиб беради.

КАЛИТ СЎЗЛАР: Гендер – тушунчаси, хотин-қизлар ва эркаклар, Оила, оналик, оталик ва болалик, оилавий муносабатлар, хотин-қизлар ва эркаклар учун ҳуқуқ.

Гендер — хотин-қизлар ва эркаклар ўртасидаги муносабатларнинг жамият ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳаларида, шу жумладан сиёсат, иқтисодиёт, ҳуқуқ, мафкура ва маданият, таълим ҳамда илм-фан соҳаларида намоён бўладиган ижтимоий жиҳат ҳисобланади.

Гендер тушунчаси фақат аёллар манфаатларини ифодаламайди. Ҳар икки жинс вакиллариининг ўз орзу ва мақсадлари сари дадил одимлаши, ҳаёт сифатини ошириш учун бир хил имкон бериш кеақлигини илгари суради.

Хотин-қизлар ва эркаклар давлат томонидан кафолатланган тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларга эга бўлади.

Давлат хотин-қизлар ва эркакларга шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларни амалга ошириш чоғида тенг ҳуқуқлилиқни кафолатлайди.

Давлат хотин-қизлар ва эркакларга жамият ҳамда давлат ишларини бошқаришда, сайлов жараёнида тенг иштирок этишни, соғлиқни сақлаш, таълим, фан, маданият, меҳнат ва ижтимоий ҳимоя соҳаларида, шунингдек давлат ва жамият ҳаётининг бошқа соҳаларида тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар таъминланишини кафолатлайди.

Хотин-қизлар ва эркаклар ўртасида ҳақиқий тенгликка эришиш, жамият ҳаётининг барча соҳаларида уларнинг иштирокини кенгайтириш, жинс бўйича бевосита ва билвосита камситишни бартараф этиш ҳамда уларнинг олдини олиш мақсадида давлат томонидан гендер сиёсати амалга оширилишини таъминлашга доир вақтинчалик махсус чоралар кўрилади.

Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

мазкур соҳадаги норматив-ҳуқуқий базани шакллантириш ва такомиллаштириш;

мазкур соҳадаги давлат дастурларини, миллий ҳаракатлар режаларини ва стратегияларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;

хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар маданиятини шакллантириш;

жамият ва давлат ишларини бошқаришда хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг иштирок этишини таъминлаш;

меҳнатга оид ва оилавий мажбуриятларни бирга бажаришда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш;

оилани, болалиқни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш, масъулиятли оналик ва оталиқни шакллантириш;

жинс бўйича бевосита ва билвосита камситишга қаратилган ахборотдан жамиятни ҳимоя қилиш;

мазкур соҳадаги давлат дастурларини, миллий ҳаракатлар режаларини ва стратегияларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишга фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини, нодавлат ноижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини жалб этиш;

хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлашга доир чора-



тадбирларни Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштириш;

хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларга эришиш мақсадида миллий, минтақавий ва халқаро даражаларда самарали ҳамкорликни ривожлантириш.

Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасидаги давлат бошқаруви Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикасининг Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссияси, шунингдек давлат органлари томонидан ўз ваколатлари доирасида амалга оширилади.

Хотин-қизлар ва эркаклар ҳокимият вакиллик органларига сайлаш ва сайланишда тенг ҳуқуқларга эга.

Сиёсий партиялар томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлигига номзодлар кўрсатишда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар таъминланади.

Давлат органлари ва мулк шаклидан қатъи назар ташкилотлар раҳбарлари жамиятнинг иқтисодий ресурсларидан, шу жумладан кўчар ва кўчмас мол-мулк, ер, молиявий активлар, кредитлар, ижтимоий жамғармалардан, шунингдек тадбиркорлик фаолиятининг эркин танланган турларидан хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг фойдаланишини таъминлаш шарт.

Давлат хотин-қизлар ва эркакларга тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлайди.

Оила, оналик, оталик ва болалик давлат муҳофазасидадир.

Хотин-қизлар ва эркаклар оилавий муносабатлар соҳасида тенг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларга эга.

Оилавий муносабатлар соҳасида хотин-қизлар ва эркаклар учун ҳуқуқ ҳамда имкониятларнинг тенглиги қўйидагиларга асосланади:

хотин-қизлар ва эркаклар никоҳ тузишининг ихтиёрийлигига;

мажбурий ва эрта никоҳларга йўл қўйилмаслигига;

эр ва хотиннинг шахсий ва мулкый ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари тенглигига;

оиланинг ички можароларини ўзаро келишув бўйича ҳал қилишга;

уй меҳнатига нисбатан хотин-қизлар ва эркаклар ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларининг тенглигига;

болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишда, вояга етмаган ҳамда меҳнатга лаёқатсиз оила аъзоларининг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлашда тенг иштирок этишга.

Ота-оналар кичик ёшдаги болаларни, ногиронлиги бўлган оила аъзоларини парваришлаш бўйича нафақалар олишда тенг ҳуқуқларга эга бўлади.

Бола туғилиши муносабати билан она ҳам, ота ҳам ҳақ тўланадиган таътил олиш ҳуқуқига эга. Болани парваришлаш бўйича таътилнинг давомийлиги ота-онанинг ихтиёрига кўра улар ўртасида бўлиниши мумкин, бунда ота-она таътилдан уни қисмларга бўлган ҳолда фойдаланиши мумкин.

Давлат таълим олиш ҳуқуқини амалга оширишда хотин-қизлар ва эркакларга тенг имкониятлар яратилишини таъминлайди.

Агар шахс ўзини жинс бўйича бевосита ёки билвосита камситишга дучор этилган деб ҳисобласа, ваколатли органларга ёки судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Гендер тенглик жамият ривожиди муҳим бўлган ижтимоий муносабатларда долзарб аҳамиятга эга эканлиги бугунги кунда янада яққол намоён бўлмоқда. Бугун оилада, жамиятда, айниқса, хотин-қизларнинг ижтимоий ҳаётдаги фаоллигини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётгани натижасида ижтимоий муносабатларда ҳам, қонунчиликда ҳам катта ўзгаришлар амалга оширилмоқда.

Фойдаланган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Тошкент шаҳри.
2. Фуқаролик кодекси, Тошкент шаҳри 2021.
3. Оила кодекси, Тошкент шаҳри 2021.
4. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг “2030 ЙИЛГА ҚАДАР ЎЗБЕКИСТОНРЕСПУБЛИКАСИДАГЕНДЕР ТЕНГЛИККА ЭРИШИШ СТРАТЕГИЯСИНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА”ГИ 28.05.2021 йилдаги СҚ-297-IV-сонли қарори.



АФФЕКТ (КУЧЛИ РУҲИЙ ҲАЯЖОНЛАНИШ) ҲОЛАТИДА ҚАСДАН ОДАМ ЎЛДИРГАНЛИК УЧУН ҚИЛМИШНИ КВАЛИФИКАЦИЯ ҚИЛИШНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ

Ҳакимов Комил Бахтиярович,
Тошкент давлат юридик
университети кафедра мудири
E-mail: hkb22@mail.ru

Аннотация: Мақолада муаллиф томонидан аффе́кт (кучли руҳий ҳаяжонланиш) ҳолатида қасддан одам ўлдирганлик учун қилмишни квалификация қилишнинг айрим жиҳатларига оид айрим мулоҳазалар баён қилинган. Шунингдек, муаллиф ЖК 98, 106-моддаларида кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатини қандай юз бериши ва уни вужудга келишига олиб келувчи ҳолатлар санаб ўтилган бўлсада, жиноят қонуни кучли руҳий ҳаяжонланиш (аффе́кт) нима эканлиги, қандай руҳий ҳолатларни мазкур тушунчага киритиш мумкинлигини, аффе́ктни вужудга келтирувчи омилларни тушуниш доираси хусусида аниқ нормаларни белгилаб бермаганлигини қайд этган. Бундан ташқари, муаллиф Жиноят кодексини тегишли моддаларида кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатини вужудга келтирувчи омиллар санаб ўтилганлиги мазкур тушунчага таъриф берилганлигини ва аффе́кт ҳолати кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатига нисбатан тор тушунча эканлигини аниқлашганини келтирган.

Калит сўзлар: аффе́кт, кучли руҳий ҳаяжонланиш, енгиллаштирувчи таркибли қасддан одам ўлдириш, фрустрация, зарар етказиш, қўзғалувчанлик, ҳаяжонланиш.

Ўзбекистон жиноят қонунчилигида кучли руҳий ҳаяжонланиш (аффе́кт) ҳолатида содир этилган жиноятлар учун жавобгарлик нормаларини ўрнатилиши ўтган асрнинг 50-йилларига бориб тақалади. Жумладан, 1958 йилги СССР ва иттифокдош республикалар жиноят қонунида жавобгарликни енгиллаштирувчи таркибли жиноятлардан бири сифатида жабрланувчининг ғайриқонуний ҳаракатлари натижасида юзага келган кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида содир этилган жиноятлар киритилган [1].

1994 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 98, 106-моддаларида жабрланувчи томонидан қилинган ғайриқонуний зўрлик ёки оғир ҳақорат, шунингдек унинг бошқа ғайриқонуний ҳаракатлари туфайли тўсатдан юз берган кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан одам ўлдирганлик ёки қасддан баданга оғир ёхуд ўртача оғир шикаст етказганлик учун жиноий жавобгарлик ўрнатилган. Шу даврдан бошлаб, Жиноят кодексига махсус модда сифатида кучли руҳий ҳаяжонланиш (аффе́кт) ҳолатида содир этилган ижтимоий хавfli қилмишлар учун жиноий жавобгарлик махсус модда сифатида мустақамланди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 98, 106-моддалари диспозициясида «аффе́кт» тушунчаси мавжуд бўлмасида «тўсатдан юз берган кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолати» тушунчаси назарда тутилган. Илмий адабиётларда мазкур тушунчалар синоним сифатида таъкидлансада, аслида улар ўртасидаги ўзаро тафовут ва умумий белгилар мавжуд. Ушбу тафовутларни психологик нуқтаи назаридан юқорида кўриб чиққан бўлсак, энди жиноят-ҳуқуқий нуқтаи назаридан мазкур тушунчалар таҳлилига ўтамиз. Амалдаги Жиноят кодексига назарда тутилган тўсатдан юз берган кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолати тушунчаси ЖК 98, 106-моддаларида белгиланган жиноятларни тўлиқ тушуниш ва баҳолашга тўлиқ имконият бермайди [2].

ЖК 98, 106-моддаларида кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатини қандай юз бериши ва уни вужудга келишига олиб келувчи ҳолатлар санаб ўтилган бўлсада, жиноят қонуни кучли руҳий ҳаяжонланиш (аффе́кт) нима эканлиги, қандай руҳий ҳолатларни биз мазкур тушунчага киритишимиз мумкинлигини, аффе́ктни вужудга келтирувчи омилларни тушуниш доираси хусусида аниқ нормаларни белгилаб бермайди. Н.Жуманиёзов таъкидлашича, «кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолати» тушунчаси «аффе́кт» тушунчасидан кенгрок бўлиб, у ўз ичига аффе́кт ҳолатидан ташқари, ҳиссий зўриқишни ҳам қамраб олади [3]. Мазкур фикрга қўшилмаган ҳолда айтиш мумкинки, Жиноят кодексини тегишли моддаларида кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатини вужудга келтирувчи омиллар санаб ўтилганлиги мазкур



тушунчага таъриф берилганлигини ва аффект ҳолати кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатига нисбатан тор тушунча эканлигини англамайди.

Аффект бу – психологияга таалуқли бўлган тушунча бўлсада, лекин узоқ вақтдан буён жиноят қонунида инсоннинг ижтимоий хавфли қилмиш содир этишининг алоҳида шакли сифатида қўлланилиб келинмоқда [4]. Шу билан бирга, юридик адабиётларда аффект тушунчасини жиноят қонунчилигига киритиш ёки киритмаслик масаласида турли хил ёндашувлар мавжуд. Яна бошқа бир муаллифлар эса ўз фикрини асосламаган ҳолда «кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолати» тушунчасини «аффект» тушунчаси билан алмаштиришга қарши чиққанлар [5]. «Кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолати» ва «аффект» тушунчалари ўзаро умумий ҳамда хусусий тарзда бир-бирига боғланганлигини инобатга олсак, Н.А.Подольныйни «кучли руҳий ҳаяжонланиш аффект тушунчасини аниқ бир шаклидир» [6] деган фикрини қўллаб-қувватлаймиз. ЖК 98, 106-моддалари тузилиши, унда назарда тутилган нормалар мазмунидан кўришимиз мумкинки, жиноят қонуни аффект тушунчасини ўзида ифодаламасида унда кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолати (аффект)ни белгиловчи аниқ психологик мезонлари назарда тутилган бўлиб, суд-экспертизаси ҳулосаси тайёрланаётганда айнан шу мезонларни нобатга олиш лозим, уни психологик бошқа мезонлари ва белгилари билан таққослаган ҳолда кенгайтиришга уринмаслик лозим.

Жиноят қонунида назарда тутилган мезонларга жабрланувчи томонидан қилинган ғайриқонуний зўрлик ёки оғир ҳақорат, шунингдек унинг бошқа ғайриқонуний ҳаракатлари натижасида вужудга келиши (ҳуқуқий асосланганлик) натижасида тўсатдан юз берганлик ва айбдорни иродаси ҳамда онгини торайишини (психологик белги) киритиш мумкин. Бугунги кун психология фани физиологик ва патологик аффект билан бир қаторда аффектнинг қўйидаги турларини бир-биридан ажратади.

Биз ҳам ушбу фикрга қўшилган ҳолда айтишимиз мумкинки, қўйилмаганда юз берувчи эмоционал портлаш ўз ичига маълум вақт оралиғини қамраб олиши ҳам мумкин. Қонун нормасидаги тўсатданлик белгисини «вақт оралиғи мавжуд бўлмайди», деб қатъий тавсифланиши амалиётда содир бўлаётган айрим жиноятларни нотўғри квалификация қилишга сабаб бўлади.

Кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатининг вужудга келишини муайян вақт билан қонун нормасида аниқ ажратиш лозим, деб илгари сурилган фикрларга қўшила олмаймиз. Бу каби қонундан ЖК 98, 106-моддаларига татбиқ қилиниши, **биринчидан**, нормани тушунишда муаммолар вужудга келтирса, **иккинчидан** бу белги кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатига эмас, балки узоқ муддатли руҳий ҳолатнинг бузилишига нисбатан хосдир, **учинчидан** эса ҳар қандай ҳолатда ҳам айбдорни мазкур жиноятларни содир этишга ундовчи ва унинг руҳий эмоционал ҳолатини уйғонишига туртки берувчи «озгина бўлсада сабаб» бўлиши лозим.

Жиноят ҳуқуқи доктринаси ва амалиётга кўра аффект ҳолатини вужудга келтирувчи зўрлик ҳаракатлари ғайриқонуний бўлиши лозим. Агар зўрлик ҳаракатлари жабрланувчи томонидан қонуний амалга оширилган тақдирда қилмишни ЖК 98-моддаси билан квалификация қилиш мумкин эмас. Аммо, ғайриқонуний ҳаракатлар нафақат аффект ҳолатини вужудга келтириши мумкин ва ўз ўрнида зарурий мудофаа ҳолатини ҳам вужудга келишига олиб келиши мумкин.

Агар шахс аффект ҳолатида зўрлик ҳаракатларига жавоб реакцияси тариқасида ҳаракат қилиш вақтида зарурий мудофаа чегарасидан четга чиққан ҳолда одам ўлдирса, қилмишни зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиш тариқасида квалификация қилиш лозим [7]. Жиноят ҳуқуқи назариясига кўра, жиноят икки жиноят таркибида ифодаланган енгиллаштирувчи ҳолат таъсирида содир этилган тақдирда, уни енгилроқ жазо назарда тутилган норма билан тавсифлаш лозим.

Шундай қилиб, ЖК 98-моддасида назарда тутилган жиноятларда айбдорнинг мақсади жабрланувчини ҳаётдан маҳрум қилиш ёки уни соғлиғига зарар етказиш эмас, балки жабрланувчининг ғайриқонуний ҳаракатлари орқали юз берадиган салбий туйғуларни тўхтатиш орқали ўзида нормал руҳий ҳолат қайта тиклаш саналади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Советское уголовное право: Особенная часть. Учебник. / Под ре. П.И.Гришаева, Б.В.Здравомыслова. – М.: Юрид. лит., 1988. – 608 с.; Блиндер Б.А., Закутский С.Г. Уголовное



право Узбекской ССР. (Особенная часть).//Учебное пособие. Ташкент: “Ўқитувчи”, 1985. – С. 20.; Сборник законов СССР и указов Президиума Верховного Совета СССР 1938-1975 г.г. В 4-х томах. Т.3.-М.: Политиздат, 1975. – С. 325.

2. Б.Мусаев. Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш жараёнида аффе́кт ҳолатида содир этиладиган жиноятларни либераллаштириш масалалари. Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари/ Democratizations and human rights-№1/2012. –Б.46-49

3. Жуманиёзов Н. Кучли рухий хаяжонланиш ва аффе́кт. // Ниқуқ ва бurch. 2007. – №10-11. – Б. 104-105.

4. Шарьурова. Ю. Понятие «аффе́кт» в уголовном праве. // Закон и право. 2010. – № 2. – С. 88-90.

5. Бородин С.В. Преступления против жизни. – М.: Юрист, 1999. – С. 181.

6. Подольный, Н.А. Понятие «аффе́кт» в уголовном праве / Н.А. Подольный // Государство и право. 2003. –№ 4. – С. 64.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари тўплами. 1991-2006. 2-том. – Тошкент: Адолат, 2006. Т.2. – Б. 76-77.



**ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТИ СИФАТИДА СИЁСИЙ
ПАРТИЯЛАРНИНГ ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИ ОЧИҚЛИГИНИ
ТАЪМИНЛАШДАГИ ИШТИРОКИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АЙРИМ
МАСАЛАЛАРИ**

Раджапов Азамат Худайназарович,
Тошкент давлат юридик университети
мустақил изланувчиси
E-mail: radjarov.a@umail.uz

Аннотация: Мақолада давлат органлари фаолияти очиклигини таъминлашда сиёсий партияларнинг ролини ошириш юзасидан қонунчилик ҳужжатларини янада такомиллаштиришга қаратилган таклифлар илгари сурилган.

Калит сўзлар: ахборотнинг очиклиги, очик маълумотлар, ҳисобдорлик, парламент назорати, сиёсий партиялар

Сиёсий партиялар давлат органлари фаолияти очиклигини таъминлаш жараёнларида иштирок этадиган энг кенг ваколат ва имкониятларга эга бўлган фуқаролик жамияти институтларидан биридир.

Бугунги кунда Ўзбекистонда мавжуд бешта сиёсий партия – Ўзбекистон халқ демократик партияси (1991 йил 1 ноябрь), Ўзбекистон либерал-демократик партияси (2003 йил 15 ноябрь), «Миллий тикланиш» демократик партияси (2008 йил 20 июнь), «Адолат» социал-демократик партияси (1995 йил 18 февраль), Ўзбекистон Экологик партияси (2018 йил 14 ноябрь) ўз фаолиятини 1996 йил 26 декабрдаги «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Қонунга [1], фаолиятини молиявий таъминлашни эса 2004 йил 30 апрелдаги «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги Қонунга [2] асосан амалга ошириб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 34, 56, 60, 98-моддаларда сиёсий партияларнинг фаолият юритиши билан нормалар мавжуд. Жумладан, Конституция 60-моддасига асосан сиёсий партиялар турли табақа ва гуруҳларнинг сиёсий иродасини ифодалайдилар ва ўзларининг демократик йўл билан сайлаб қўйилган вакиллари орқали давлат ҳокимиятини тузишда иштирок этадилар.

Сиёсий партиялар ўзининг ҳуқуқий мақомига кўра жамоат бирлашмаси ҳисобланади.

Сиёсий партия Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг қарашлар, манфаатлар ва мақсадлар муштараклиги асосида тузилган, давлат ҳокимияти органларини шакллантиришда жамият муайян қисмининг сиёсий иродасини рўёбга чиқаришга интилувчи ҳамда ўз вакиллари орқали давлат ва жамоат ишларини идора этишда қатнашувчи кўнгилли бирлашмасидир.

Сиёсий партиялар давлат органлари фаолияти очиклигини таъминлашда «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Қонуннинг 12-моддасида назарда тутилган ҳуқуқларидан сиёсий партиядан кўрсатилган ва сайланган тегишли депутати ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракциялари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесидаги ва халқ депутатлари Кенгашиларидаги партия гуруҳлари орқали фойдаланган ҳолда иштирок этиши мумкин.

Чунки, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва тегишли халқ депутатлари Кенгашининг депутати ҳам, сиёсий партия фракциялари ва партия гуруҳлари ҳам тегишли сиёсий партиянинг манфаатларини ифодалаш мақсадини кўзлайди.

Шундан келиб чиқиб, сиёсий партия ғоялари ва мақсадлари ичида давлат органлари фаолиятининг очиклигини таъминлаш бўладиган бўлса ёки ўзи ташаббус асосида тегишли депутат ушбу масалани Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ёки Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва тегишли халқ депутатлари Кенгашининг мажлисида кўриб чиқилиши учун киритишга, давлат органларига фаолиятининг очиклигини таъминлаш тўғрисидаги қонунчилик талабларининг бажарилиши бўйича сўров юборишга ва ушбу соҳадаги қонунларнинг ижро этилишини текшириш ҳақида кўриб чиқилиши учун масалалар киритишга ёхуд қонунчиликни бузишнинг бошқа ҳоллари маълум бўлиб қолган тақдирда уларга дарҳол чек қўйиш чораларини кўриш талаби билан



тегишли органлари ҳамда мансабдор шахсларга мурожаат этишга ҳақли.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари парламент назорати субъекти сифатида ҳам давлат органлари фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳолатини улар мансабдор шахсларининг ахборот ва ҳисоботларини эшитиш, шу жумладан, «хукумат соати» ўтказиш орқали саволларига жавобларини эшитиш ва парламент сўровига жавобини кўриб чиқиши мумкин [3].

Масалан, Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 26-моддасига кўра Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси бюджет жараёнининг очиқлигини таъминлаш тартибига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширади. «Ўзбекистон Республикасининг Ҳисоб палатаси тўғрисида»ги Қонуннинг 9-моддасига асосан Ҳисоб палатаси ўз фаолияти тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига йиллик ҳисобот тақдим этади. «Парламент назорати тўғрисида»ги Қонуннинг 11-моддасида эса Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳар йили, ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 15 майидан кечиктирмай ўз мажлисида Ҳисоб палатасининг ҳисоботини эшитиши белгилаб кўйилган.

Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, сиёсий партиялар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракциялари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва тегишли халқ депутатлари Кенгашларидаги партия гуруҳлари орқали давлат органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш жараёнларига назорат функциясидан фойдаланган ҳолда ижобий таъсир кўрсатишлари мумкин.

Шу ўринда сиёсий партиялар давлат органлари фаолияти очиқлигини таъминлаш жараёнида иштирок этишининг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатларига ҳам эътибор қаратиб ўтиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 98-моддасига кўра Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайловда энг кўп депутатлик ўринларини олган сиёсий партия ёки тенг миқдордаги энг кўп депутатлик ўринларини қўлга киритган бир неча сиёсий партия томонидан таклиф этилади. Шундай экан, сиёсий партияларда Вазирлар Маҳкамасининг яқин муддатга ва узоқ истиқболга мўлжалланган ҳаракатлар дастурида ижро ҳокимияти тизимидаги барча давлат органлари фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни акс эттирган ҳолда уларни амалга оширишда иштирок этиш имконияти мавжуд.

Бундан ташқари, Бош вазир, унинг ўринбосарларидан ташқари вазирлар ва давлат қўмиталарининг раислари ҳам Ҳукумат аъзолари ҳисобланади. Улар ҳам янги шакллантирилаётган Вазирлар Маҳкамаси аъзолигига номзод сифатда масъул қўмита, фракциялар ва депутатлар гуруҳлари томонидан дастлабки тарзда кўриб чиқилишини, шунингдек, ўзининг номзоди кўриб чиқилаётганда истиқболга мўлжалланган ҳаракатлар режасини тақдим этишини инобатга оладиган бўлсак, сиёсий партиялар ижро ҳокимияти тизимидаги барча давлат органларининг фаолияти очиқлигини таъминлашда иштирок этиш учун етарли воситаларга эга деб ҳисоблаш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 14 июндаги «Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлик даражасини ошириш ва баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–154-сон Фармони билан Коррупцияга қарши курашиш агентлигига давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш соҳасини мувофиқлаштириш ва доимий мониторинг қилиш, шу жумладан, уларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан белгиланган маълумотларни Интернет тармоғига жойлаштириш (эълон қилиш) бўйича мажбуриятлари ҳисобини юритиш, давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти устидан оммавий ахборот воситалари орқали самарали жамоатчилик назоратини ўрнатиш бўйича чораларнинг ишлаб чиқилиши ва жорий этилишига кўмаклашиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларидан келиб чиқувчи давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигига оид долзарб масалаларни «Mening fikrim» веб-портали орқали умумхалқ муҳокамасига чиқариш, Очиқ маълумотлар сифатида жойлаштирилиши керак бўлган ижтимоий аҳамиятга молик маълумотлар рўйхатини узлуксиз тўлдириш, такомиллаштириб бориш ва янгилаб бориш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ҳамда уларни амалга оширишга кўмаклашиш, оммавий ахборот воситалари орқали давлат органлари ва ташкилотлари хизматчиларига «давлат



органлари фаолияти очиклиги, шаффофлиги ва ҳисобдорлиги» маданиятини сингдириш ҳамда давлат органлари ва мансабдор шахслар халқ олдида ҳисобдорлигини таъминлаш муҳимлиги тўғрисида тушунтириш ишлари олиб борилишини ташкил этиш вазифалари юклатилди [4].

Шуни инобатга олган ҳолда ҳамда сиёсий партияларнинг давлат органлари фаолиятининг очиклигини таъминлаш жараёнларидаги таъсирини янада кучайтириш мақсадида ҳар йили Олий Мажлис палаталари томонидан Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг давлат органлари фаолиятининг очиклигини таъминлаш ҳолати тўғрисидаги ахборотини эшитиш тартибини йўлга қўйиш таклиф этилади. Шу мақсадда, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги Қонун **33¹-моддасининг учинчи қисмини** қуйидаги тахрирда баён этиш мақсадга мувофиқ:

«Қонунчилик палатаси Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг ўз фаолияти тўғрисидаги ахборотини Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш масалалари қўмитасида дастлабки тарзда кўриб чиққан ҳолда йилига икки марта, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги директорининг давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти очиклигини таъминлаш ҳолати тўғрисидаги ахборотини Инновацион ривожланиш, ахборот сиёсати ва ахборот технологиялари масалалари қўмитаси дастлабки тарзда кўриб чиққан ҳолда ҳар йили, ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 15 апрелдан кечиктирмай эшитади».

Шунингдек, тегишинча «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида»ги Қонун **32¹-моддасининг тўртинчи қисмини** қуйидаги тахрирда баён этиш таклиф этилади:

«Сенат ҳар йили Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг давлат органлари ва ташкилотларининг норма ижодкорлиги фаолияти ва ҳуқуқни қўллаш амалиётининг ҳолати тўғрисидаги ахборотини Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитасида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги директорининг давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти очиклигини таъминлаш ҳолати тўғрисидаги ахборотини Ахборот сиёсати ва давлат органларида очикликни таъминлаш масалалари қўмитасида дастлабки тарзда кўриб чиққан ҳолда эшитади».

Ўз навбатида ушбу таклиф асосида «Парламент назорати тўғрисида»ги Қонун **10-модданинг учинчи ва бешинчи қисмларига** ҳам юқоридаги мазмундаги тегишли ўзгартиришлар киритиш талаб этилади.

Хулоса ўрнида таъкидлаш мумкинки, сиёсий партияларнинг давлат органлари фаолияти очиклигини таъминлаш жараёнларидаги иштирокини кучайтириш орқали парламент назоратини амалга ошириш Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидаги муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 декабрдаги «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги 337–I-сон Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 2-сон, 36-модда.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 30 апрелдаги «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги 617–II-сон Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 21-сон, 248-модда.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Парламент назорати тўғрисида»ги 2016 йил 11 апрелдаги ЎРҚ–403-сон Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 15-сон, 141-модда.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 14 июндаги «Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиклик даражасини ошириш ва баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–154-сон Фармони // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 15.06.2022 й., 06/22/154/0524-сон.



NORMATIV-HUQUQIY HUJJATLAR TO‘G‘RISIDAGI QONUNCHILIK TIZIMIDA QONUNNING TUTGAN O‘RNI

Asadov Eldorjon Nizomiddin o‘g‘li,
Toshkent davlat yuridik
universiteti tayanch doktoranti

Annotatsiya: mazkur maqolada muallif normativ-huquqiy hujjatlar to‘g‘risidagi qonunchilik tizimida qonunning tutgan o‘rnini tahlil qilingan. Muallif tomonidan normativ-huquqiy hujjatlar to‘g‘risidagi qonunchilik tizimida qonunning tutgan o‘rni tahlili asosida O‘zbekiston Respublikasining Konstitutsiyasi va qonunlari, O‘zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi palatalarining qarorlari so‘nggi yillardagi o‘zgarishlarini tahlili asosida, nazariy hamda amaliy xulosalar ishlab chiqilgan.

Kalit so‘zlar: Qonunchilik tizimi, qonunchilik, normativ-huquqiy hujjatlar, qonunlar, huquq ijodkorligi, qonuniylik.

Qabul qilinadigan qonunlarning asosiy vazifasi bo‘lib - mamlakatning ijtimoiy va davlat tuzumini mustahkamlash, bozor iqtisodiyotiga o‘tish uchun mulkning turli shakllariga yo‘l ochish va ularni himoya qilish, fuqarolarning huquqlari, erkinliklarini hamda burchlarini mustahkamlash hisoblanadi.

O‘zbekiston Respublikasida qonunchilikni bir necha sohalarga bo‘lib o‘rganiladi. Jumladan: konstitutsiyaviy qonunchilik; ma‘muriy qonunchilik; fuqarolik qonunchiligi; moliya qonunchiligi; jinoyat qonunchiligi; mehnat qonunchiligi; oila qonunchiligi va boshqalar.

O‘zbekiston Respublikasida huquqni rasmiylashtirish va ifoda etishning eng keng tarqalgan shakli (manbai), - normativ-huquqiy hujjatlarning asosiysi - qonundir. Qonunlar davlatning oliy vakillik qonun chiqaruvchi hokimiyat idorasi tomonidan Qonstitutsiyada belgilangan demokratik tartib (protsedura) asosida yaratiladigan normativ-huquqiy hujjatdir. Yuridik fanda qonunning mazmuni va shaklini tushunish uchun ilmiy abstraksiya yo‘li bilan mantiqan ajratib o‘rganish odat tusiga kirgan. Ammo, real hayotda esa buni amalga oshirish oson emas, ular bir-biridan ajralgan holda mavjud bo‘lmaydi. “Huquqning mazmuni ma‘lum shaklsiz namoyon bo‘lmaganidek, uning shakli ham aniq mazmunsiz bo‘lishi mumkin emas. Huquqning mazmuni, u aynan shakllantirilganligi, rasmiylashtirilganligi tufayligina namoyon bo‘ladi” [1].

“Qonun” so‘zini ko‘pincha davlat majburlov kuchi bilan ta‘minlanadigan umummajburiy qoidani belgilash uchun qo‘llashadi. Bunday tushunishda qonun huquq bilan tenglashtiriladi. Biroq qat‘iy yuridik ma‘noda qonun – alohida, faqat o‘zigagina xos bo‘lgan belgi-alomatlariga ega huquqiy hujjatdir.

Birinchidan, qonun davlat hokimiyati maxsus faoliyatining mahsuli sifatida yaratiladi. Shuning uchun ham qonun O‘zbekiston oliy davlat vakillik organi – Oliy Majlis hujjati hisoblanadi. Butun aholi vakillari qabul qiladigan qonunlar eng ko‘p darajada xalq manfaatlarini ifodalashi bois birlamchi mohiyatga ega hujjatlar bo‘lib, qonunlarning butun tizimi uchun asos ekanligi shundan kelib chiqadi.

Ikkinchidan, qonunlar eng muhim ijtimoiy munosa-batlarni tartibga soladi. Qonunlar va eng avvalo, Konsti-tutsiya vositasida konstitutsiyaviy tuzum asoslari, fuqaro-larning asosiy huquq va erkinliklari, davlat tuzilishi, davlat hokimiyati hamda boshqaruv funksiyalari va hoka-zolar mustahkamlanadi. Mulkchilik turlari, soliq siyosa-ti asoslari, ta‘lim va ijtimoiy hayotning boshqa muhim yo‘nalishlari qonunlar bilan belgilanadi. Hozirgi vaqtda respublikamizda qonunning roli ortib bormoqda.

Uchinchidan, qonunlar – maxsus tartibda qabul qilingan hujjatlar bo‘lib, oliy yuridik kuchga ega. Qonunlarni qabul qilish tartibi Konstitutsiya va oliy vakillik organlari reglamentlari bilan belgilanadi.

Qonunlarning oliy yuridik kuchi davlatdagi boshqa barcha normativ hujjatlar qonunlar asosida, ularga muvofiq ravishda chiqarilishi va bu qonunlarga zid kelishi mumkin emasligida ifodalanadi. Konstitutsiyamizda qonunlarning o‘ziga xos bu xususiyati maxsus ko‘rsatib o‘tilgan. Chunonchi, O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasining 15-moddasida shunday deyiladi: “O‘zbekiston Respublikasida O‘zbekiston Respublikasining Konstitutsiyasi va qonunlarning ustunligi so‘zsiz tan olinadi.



Davlat, uning organlari, mansabdor shaxslar, jamoat birlashmalari, fuqarolar Konstitutsiya va qonunlarga muvofiq ish ko‘radilar”.

Shunday qilib, qonun – maxsus tartib asosida qonun chiqaruvchi hokimiyat organi tomonidan qabul qilinadigan, eng muhim ijtimoiy munosabatlarni tartibga soladigan hamda oliy yuridik kuchga ega bo‘lgan normativ-huquqiy hujjatdir [2].

Huqukdagi mazmun va shakl birligi aynan uning normativ talqinini belgilovchi asosiy jihatdir. Shu bilan birga aytish lozimki, u yoki bu davlat organi tomonidan chiqarilgan har qanday normativ-huquqiy hujjat ham jamiyat irodasini «qonun darajasiga» ko‘taravermaydi. Mamlakatimizda qonun ijodkorlik faoliyati faollashganligini, turli davlat idoralari, vazirliklarning norma ijodkorligi kengayib borayotganligini hisobga olib, shuningdek qonunning ahamiyatini ta’kidlash maqsadida quyidagi taklifni ilgari surishni lozim topamiz. Huquq nazariyasi fani doirasida turli normativ-huquqiy hujjatlarda va boshqa manbalarda mavjud bo‘lgan normalarning «jamiyatning davlat irodasi»ni aks ettiruvchi hujjat ekanligini belgilovchi, Konstitutsiyam asoslangan aniq ilmiy mezonlarni ishlab chiqish maksadga muvofiq bo‘lar edi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. Мицкевич А.В. Источники (формы выражения) российского права. Историко-теоретический очерк // Закон: основание и толкование / Под ред. А.С. Пиголкина. – Москва: 1998, -С.24.
2. Odilqoriev X., Muxamedov U. “Qonunchilik jarayoni kodeksi: uning zaruriyati, strukturasi va mazmuni // Davlat va huquq jurnali, 2004, №4, -B. 2-5.
3. Stefan Vogenauer. Learning and lawmaking in Germany today. // Oxford Journal of Legal Studies. Vol. 26, No. 4, Winter, 2006. – PP.627-663.
4. International Scientific Conference: The Quality of Legal Acts and its Importance in Contemporary Legal Space. 4-5 October, 2012 (<http://www.jstor.org>).



ДАСТЛАБКИ ТЕРГОВ ОРГАНЛАРИНИНГ ПРОФИЛАКТИКА ФАОЛИЯТИГА
ПРОЦЕССУАЛ ВА КРИМИНАЛИСТИК ЁНДАШУВ

Султонов Ойбек Султонбоевич

Ўзбекистон Республикаси Бош
прокуратураси бошқарма прокурори,
Бош прокуратура Академияси мустақил изланувчиси
Телефон: +998914352002

oybek_elps@mail.ru

Гиясов Рустам Юсуфджанович

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси
халқаро-хуқуқий бошқармаси бошлиғи
Телефон: +998977758628

rgiyasov1404@gmail.ru

Аннотация: Мазкур мақолада, дастлабки тергов органларининг профилактик фаолиятининг процессуал ва криминалистик хусусиятлари, жиноятнинг сабабларини ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф қилиш тўғрисида суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг тақдимномаси, уни киритиш тартиби, тақдимнома шакли ва тузилиши, тақдимноманинг хулоса-резолютив қисмининг аҳамияти ва таъсир қилиш механизмлари тадқиқ қилинган.

Калит сўзлар: жиноятчиликни олдини олиш ва профилактика қилиш, дастлабки тергов органларининг профилактик фаолияти, терговчининг тақдимномаси.

Аннотация: В данной статье рассмотрены процессуальные и криминалистические особенности профилактической деятельности органов предварительного следствия, представления дознавателя, следователя, прокурора об устранении причин преступления и условий, обусловивших его совершение, порядок для его введения, также изучены форма и структура представления, значение выводно-резолютивной части представления и его механизмы действия.

Ключевые слова: профилактика и предупреждение преступлений, профилактическая деятельность органов предварительного следствия, представление следователя.

Abstract: This article discusses the procedural and forensic features of the preventive activities of the preliminary investigation bodies, the presentation of the inquirer, the investigator, the prosecutor on the elimination of the causes of the crime and the conditions that led to its commission, the procedure for its introduction, the form and structure of the presentation, the meaning of the conclusion-resolutive part of the presentation and its mechanisms of action.

Key words: prevention and prevention of crimes, preventive activities of the preliminary investigation bodies, representation of the investigator.

Дастлабки тергов органларининг профилактик фаолиятини амалга оширишнинг процессуал тартибининг мазмуни терговчининг бу борадаги хуқуқий ва процессуал мақоми билан боғлиқ.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 36-моддасида белгиланган ваколатлари доирасида жиноятларни тергов қилиш жараёнида жиноятларнинг содир қилинишига имкон берган сабаб ва шарт-шароитларни аниқлашдан ташқари, хуқуқбузарликларнинг олдини олишга масъул бўлган давлат органлари, мансабдор шахслар ва жамоатчилик тузилмаларининг жиноятларни келтириб чиқарувчи сабаб ва шарт-шароитларни олдини олиш борасидаги фаолиятига хуқуқий баҳо беради. Бу борада дастлабки тергов органлари томонидан жиноятларни келтириб чиқарувчи сабаб ва шарт шароитларнинг тизимли таҳлил қилиниши жиноят ва унинг содир қилиниши механизмларининг моҳиятини тўлиқ очишга имкон берган ҳолда, ушбу сабаб ва шарт-шароитларни бартараф қилиниши ҳамда уларнинг содир қилинишини келгусида олдини олиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқишда асос бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 297-моддаси мазмунига кўра, терговчи ўз юритувида бўлган барча ишлар бўйича аниқланган, уларни юзага келтирган сабаблар ва шароитлар ҳақида тақдимнома киритади. Бошқача қилиб айтганда, терговчи жиноят факти мавжуд



бўлганда криминоген ҳолатлар ҳақида тақдимнома киритишга ҳақли¹.

Жиноятнинг содир қилинишига имкон берган сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаш дастлабки тергов органларининг профилактик фаолиятни ташкил қилишдаги асосий шакллардан бири бўлиб, фаолиятни зарур ахборот билан таъминлаш ва йўналтиришда муҳим ўрин тутди.

Бу борада ҳуқуқшунос олимлар «Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида жиноятларнинг содир қилинишига имкон берган сабаб ва шарт-шароитлар аниқланмасдан туриб, органларнинг фаолиятини самарали ташкил қилиш ҳамда тегишли ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаб бўлмайди»².

Криминологик нуқтаи-назардан «жиноятнинг содир қилинишига имкон берган сабаб ва шарт-шароитлар» деганда жиний натижанинг ҳаракатга келишини таъминлаган ўзаро боғлиқ ҳодисалар йиғиндиси тушунилади.

Бу борада субъектнинг жиний ҳулқ-атвори шаклланиши бевосита жиноятнинг содир қилинишига имкон берган сабаб ва шарт-шароитларни шакллантирувчи омиллардан бири бўлиб ҳисобланади.

Жиний ҳулқ-атвор шаклланишининг бевосита негизи эса шахсда ғайриижтимоий дунёқараш билан боғлиқдир.

Ҳуқуқшунос олим А.М.Жуковнинг фикрича, ғайриижтимоий дунёқараш инсоннинг давлат, жамият, ахлоқ ва ҳуқуқ нормалари, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ва ўзининг мажбуриятларига нисбатан салбий ҳолатда бўлган руҳий-ижтимоий ҳолатини акс эттиради³.

Ҳуқуқшунос олим М.А.Нагоеванинг фикрича эса, жиноятнинг содир қилинишига имкон берган сабаблар деганда шахсда ҳуқуққа хилоф ғайриижтимоий ҳулқ-атворнинг шаклланиши ва мазкур ҳулқ-атвор орқали жиний фаолиятнинг амалга оширилиши тушунилади⁴.

Мазкур фикрларни уйғунлаштирган ҳолда шуни айтиш мумкинки, фикрларнинг негизида жиноятларни келтириб чиқарувчи сабаб ва омиллар тизимида шахс ва унинг ижтимоий-руҳий ҳолатига асосий ўрин ажратилган.

Бироқ, бизнинг фикримизча, бу борада фақатгина шахснинг руҳий-ижтимоий ҳулқ-атвори эмас, балки *шахс мавжуд бўлган муҳитдаги ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, сиёсий омиллар ва уларнинг шахс руҳий ҳолатига таъсири жиноятларни келтириб чиқарувчи сабаб ва омиллар тизимининг ўзагини ташкил қилади*.

Жиноятларнинг содир қилинишига имкон берган сабаб ва шарт-шароитларни бартараф қилиш тергов органларининг профилактик фаолиятида муҳим ўрин тутди.

Жиноятларнинг содир қилинишига имкон берган сабаб ва шарт-шароитларни бартараф қилишда шахс, давлат ва жамият манфаатларига келтириладиган зарарни бартараф этиш муҳим ўрин тутди.

Дастлабки тергов органлари томонидан унинг иш юритувидаги жиноят иши буйича жиноятнинг барча ҳолатлари, уларнинг содир этилишига имкон берган сабаб ва шарт-шароитлар қанчалик тўла ва ҳар томонлама аниқлангандагина кейинчалик бундай турдаги жиноятларнинг содир этилмаслиги мумкин. Бу орқали жамиятдаги жиноятларни олдини олиш чораларининг самарадорлиги ошишига ва жиноятчиликни камайишига эришиш мумкин бўлади.

З.С.Зариповнинг фикрича «Жиноятларни олдини олиш деганда давлат органлари, муассасалари ва жамоат ташкилотлари томонидан, жиноятларнинг сабаблари ва шароитларини аниқлаш ва бартараф этиш, шунингдек, конкрет шахслар томонидан ҳуқуқбузарликлар содир этилишига йўл қўймаслик мақсадида амалга ошириладиган фаолият тушунилади»⁵.

«Дастлабки тергов органлари томонидан амалга ошириладиган профилактик фаолият ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича ягона ижтимоий жараённинг таркибий қисми

¹ Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси. – Т., 2021. 297-модда

² Иванов И.И. Оптимизация профилактической функции уголовного судопроизводства // Правоведение. 2002. № 4. С. 70-77.

³ Жуков А.М. Судебная профилактика преступлений. - Саратов: Изд-во Сарат. ун-та, 1992.

⁴ Нагоева М.А. Профилактическая деятельность следователя // Актуальные проблемы гуманитарных и естественных наук. 2015. No 3-2. С.21.

⁵ Қаранг: Зарипов З. Исмаилов И. Криминология. –Т., 1996. –Б. 36-37.



ҳисобланади»¹.

Бизнингча, жиноятларни олдини олишнинг моҳияти жамиятда рўй бераётган ижтимоий жараёнларни мақсадга мувофиқ равишда тартибга солиш ва жамиятнинг баъзи аъзоларига тарбиявий таъсир кўрсатиш йўли билан жиноятлар содир этилишига йўл қўймасликдан иборат.

Шу билан бирга, дастлабки тергов органларининг профилактик фаолиятининг мазмуни ўзига хос хусусиятларга эга. У авваламбор дастлабки тергов ўтказиш ва жиноят ишларини юритиш қодаларига қатъий риоя қилишдек процессуал табиатидан келиб чиқади. Бу шуни билдирадики, дастлабки тергов органлари фақат жиноят-процессуал қонунчиликда белгиланган ҳоллардагина жиноятлар профилактикаси фаолиятининг субъекти бўлиши мумкин.

Дастлабки тергов органларининг профилактик фаолияти судга қадар иш юритувини амалга оширилиши учун ўрнатилган вақт билан чегараланган бўлишига қарамай, тергов органлари жиноятларни умумий олдини олиш тадбирларини ҳам ўтказадилар.

Дастлабки тергов органларининг профилактик фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилиш учун унинг мазмунини **кенг** ва **тор** маънода кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ. *Кенг* маънода дастлабки тергов органларининг профилактик фаолияти жиноят ишларни юритиш мақсадлари ва вазифаларига эришиши бўйича барча ишларни ўз ичига олади. Жиноятни тез ва тўла очиб, жиноятчиларни жиноий жавобгарликка торта туриб, қонунни тўғри қўллашга эришаётиб, дастлабки тергов органлари қонунийликни мустаҳкамлашга, жиноятларнинг олдини олишга, фуқароларни қонунга итоаткорлик ва уни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялашга қўмаклашади. Таъкидлаш жоизки, бу ерда дастлабки тергов органларининг асосий куч ва воситалари содир этиб бўлинган жиноятларни очиш, тергов қилишга қаратилган.

Зеро, З.С.Зариповнинг фикрига кўра жиноятлар содир этилишига йўл қўймаслик, шахс онги ахлоқий бузилишининг олдини олиш, криминоген вазиятни юзага келтирган шароитларни бартараф этиш ўта муҳимдир². Дастлабки тергов органларининг айнан шундай ҳаракатлари *тор* маънодаги жиноятларни олдини олиш вазифасини ташкил этади. Шундай қилиб, жиноятларни олдини олиш фаолиятининг мазмуни, *бир томондан*, тергов қилинаётган жиноят билан сабабий боғлиқликда бўлган криминоген омилларни аниқлаш ва бартараф қилишни, *иккинчи томондан*, жиноят-процессуал фаолият доирасига кирган шахсларга тарбиявий таъсир ўтказишни ўз ичига олади. Дастлабки тергов органларининг кўрсатиб ўтилган фаолият элементлари умумий ва яқка тартибдаги жиноятларни олдини олиш асосини белгилаб беради.

Шу билан бирга, терговчининг жиноятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш бўйича фаолиятининг ўзаро алоқасини таъкидлаш лозим. Жиноятни бартараф этиш ҳар доим уни содир этган шахсни аниқлаш билан боғлиқ. Айбланувчининг шахсини ўрганиш унга зарарли таъсир манбаларини аниқлашга, конкрет шахс маънавий жиҳатларини мувофиқлаштириш чораларини амалга оширишга, зарарли микромуҳитни соғломлаштиришга, унинг бошқа шахсларга зарарли таъсирини истисно қилишга имкон беради. Айбланувчи ёки гумон қилинувчининг шахсини чуқур ўрганмай туриб, жиноят содир этилишига қўмаклашган сабаблар ва шароитларни аниқлашнинг иложи йўқ, шунинг учун ҳам терговчининг жиноятларни олдини олиш ишининг самараси етарлича бўлмай қолиши мумкин.

Жиноятларни бартараф этиш функциясини бажарар экан, терговчи жиноят ҳодисаси ва таркибини аниқлашга, уни содир этишда конкрет шахснинг айбини, жавобгарликнинг даражаси ва ҳажмига таъсир қиладиган ҳолатларни, жиноят натижасида етказилган зарар хусусияти ва ҳажмини аниқлашга йўналтирилган процессуал ҳаракатларни амалга оширади. Бу функцияларни бажариш қуйидагиларни келтириб чиқаради: жиноят ишини қўзғатиш, шахсга айб эълон қилиш, эҳтиёт чорасини танлаш, жиноят қуролини олиб қўйиш, шунингдек, бошқа жиноятларнинг олдини олиш ва жиноий жавобгарликка тортиладиган қилмиш учун жазонинг муқарррралигини таъминлайдиган бошқа тергов ҳаракатларини ўтказиш.

Дастлабки тергов органларининг профилактик фаолияти ижтимоий муҳитнинг муаяян шахслар томондан ғайриижтимоий кўринишларни намоён қиладиган салбий элементларини бартараф қилиш бўйича дастлабки тергов имкониятларини анча кенгайтиради. Жиноятларни олдини олиш ва жиноятларни бартараф этиш вазифаларининг нисбатини аниқлаб олиш муҳим назарий ва амалий аҳамиятга эга чунки бу терговчи ишининг йўналтирилганлигини у ёки бу ҳолатларни олдини олиш чораларининг салмоғини, дастлабки тергов органларининг ишини

¹ Қаранг: Теоретические основы предупреждения преступности. –М., 1997. –С. 20-41

² Қаранг: Зарипов З.С. Кўрсатилган манба. –Т., 1996. –С. 27



илмий асосда ташкил қилишни белгилаб олишга имкон беради.

Дастлабки тергов органларининг профилактик фаолиятини амалга оширишда қўлланиладиган асосий ҳужжат – «Жиноятнинг сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф этиш чораларини кўриш тўғрисида тақдимнома» ҳисобланади. Мазкур процессуал ҳужжат қанчалик сифатли тайёрланса, унда аниқ фактлар ва бажарилиши шарт бўлган ҳолатлар келтирилса, дастлабки тергов органларининг профилактик фаолияти самарадорлиги шунчалик ортади.

Жиноятнинг сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф этиш чораларини кўриш тўғрисида тақдимнома уч қисмдан иборат бўлади. Унинг кириш қисмида ҳужжатни тайёрлаш вақти ва жойи, ҳужжатни тайёрлаган мансабдор шахснинг фамилияси, исми шарифи, лавозими, махсус унвони (лавозим даражаси), тақдим этилган материаллар асосида жиноят ишининг рақами.

Тақдимноманинг тавсиф-асослантириш қисмида содир этилган жиноят ҳолатларининг қисқача мазмуни ҳамда жиноятнинг сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларнинг батафсил баёни кўрсатилиши лозим. Муайян вазиятга қараб, тақдимноманинг тавсиф-асослантириш қисми айбланувчининг шахси билан боғлиқ ҳолатлар тўғрисидаги маълумотларни акс эттириши керак. Тақдимномада жиноятнинг сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар мавжудлигини тасдиқловчи далиллар ҳам келтирилиши мақсадга мувофиқ. Жиноятнинг сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни мавжудлигини тасдиқловчи далилларга мурожаат қилиш зарурати, тақдимнома асосида тегишли давлат органи ёки мансабдор шахс белгиланган ҳолатларга сабаб бўлган шахсни маъмурий ёки интизомий жавобгарликка тортиш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкинлиги билан боғлиқ. Шунинг учун тақдимномада келтирилган вазиятлар қонунга мувофиқ тарзда асослантирилиши керак, яъни жиноят ишини дастлабки тергов қилиш пайтида аниқланган фактик маълумотларга асосланган бўлиши лозим.

Тақдимноманинг хулоса-резолютив қисмида жиноятнинг сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф этиш бўйича аниқ таклифлар, тавсиялар ёки амалга оширилиши керак бўлган аниқ профилактика чоралари кўрсатилиши керак. Бу биринчидан, жиноятнинг сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф этиш бўйича аниқ чораларни назарда тутувчи тақдимномалар самаралироқ бўлади, чунки улар тақдимнома ижро этиш учун юборилган субъект томонидан мажбурий равишда бажарилиши лозим бўлган процессуал ҳужжат сифатида қабул қилинади.

Тақдимномада тавсиявий характердаги профилактика чораларини кўрсатиш мақсадга мувофиқ эмас. Масалан, тақдимномани юбораётган ва дастлабки терговни амалга ошираётган мансабдор шахс маъмурий бошқарув ёки кадрларни жой-жойига қўйиш масалаларига аралаштиришга ҳақли эмас, яъни у кимни ва қандай жавобгарликка тортишни ёки кимни ишдан бўшатишни кўрсатиши мумкин эмас. Буни фақат корхона, муассаса ёки ташкилот раҳбари амалга ошириши мумкин. Бундай ҳолларда раҳбарият томонидан жиноятнинг сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф этишнинг зарурий чораларини кўриши шартлигини кўрсатиш билан чекланилиши керак. Бироқ, ҳозирги вақтда бундай тақдимномаларнинг тегишли давлат органлари, жамоат ташкилотлари ёки мансабдор шахслар томонидан мажбурий ҳужжатлар сифатида қабул қилинмаслиги билан боғлиқ салбий тенденция мавжуд. Шу муносабат билан, иложи борича, тақдимнома юборишда жиноятнинг сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф этишнинг аниқ чораларни кўриш мақсадга мувофиқ.

Иккинчидан, Жиноятнинг сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф этиш бўйича чоралар кўрилиши муддати ва уларни амалга ошириш натижалари ҳақида тақдимнома юборган шахсга хабар берилиши шартлиги ҳақида эслатма (Жиноят-процессуал кодексининг 297-моддаси). Бунда терговчининг тақдимномасини бажармаганлик учун жавобгарлик тушунтирилиши керак, акс ҳолда корхона ёки муассаса раҳбари маъмурий жавобгарликка тортилиши мумкинлиги ҳақида хабар ҳам ёзилиши мумкин.

Учинчидан, тақдимнома устидан шикоят қилиш тартиби. Тақдимнома устидан шикоят қилишнинг процессуал тартиби хусусида ахборот берилиши тақдимноманинг хулоса-резолютив қисмининг муҳим таркибий элементларидан бирин ташкил этади. Шикоят қилиш имконияти ҳақида ахборотнинг берилмаслиги шахснинг ҳуқуқлари ва манфаатларининг



жиддий бузилишига олиб келиши мумкин, чунки тақдимномада қонунларни бузганлик ва жинойт содир этиш учун қулай шарт-шароитлар яратганлик учун шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисида масала қўйилиши мумкин. Жинойт-процессуал кодекси нормаларида терговчининг ҳаракати ва қарорлари устидан шикоят қилишнинг умумий тартиби батафсил тартибга солинган. Шунинг учун тақдимноманинг хулоса-резолютив қисмида тақдимнома устидан шикоят қилиш тартибини қисқача баён қилиш керак.

Тақдимнома камида уч нусхада тузилиб, улардан бири жинойт ишига илова қилинади, иккинчиси адресатга, учинчиси эса назорат қилувчи прокурорга юборилади.

Шу билан бирга тўртинчи нусхани ҳам тузиш ва уни тергов органлари раҳбарлари ёки профилактика ишлари учун масъул шахсларда тақдимнома ва уларга жавобларни ҳисобга олиш учун махсус йиғма жилдда сақлаш тавсия этилади. Бу ҳолат тақдимномалар сони ва уларга олинган жавобларни қатъий қайд этиш имконини беради, шунингдек уларнинг бажарилиши устидан назоратни мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Юқорида айтилганлардан келиб чиқиб, таъкидлаш мумкинки, дастлабки тергов органларининг профилактик фаолияти фақат тергов қилинаётган жинойтларнинг сабабларини аниқлаш билан чегараланиб қолмайди, балки, у бошқа ҳуқуқбузарликлар содир этилишига имкон бериши мумкин бўлган ҳолатларни ҳам ҳисобга олиши керак. Бундай ҳолларда дастлабки тергов органлари томонидан акс-таъсир кўрсатиш шакли бошқача бўлиши мумкин. Жинойт иши бўйича дастлабки тергов тамомланишини кутиб ўтирмай, у салбий ҳолатларга қарши таъсир кўрсатиши лозим.

Дастлабки тергов органларининг профилактик фаолияти, айтиб ўтилганидек, жинойтлар содир этилишига кўмаклашадиган сабаб ва ҳолатларнинг аниқланганлиги ҳақида тақдимнома киритишдангина иборат эмас. Уларнинг ишида ҳуқуқий масалалар бўйича чиқишлар қилишлар, докладлар, маърузалар, матбуот, радио ва телевидение орқали чиқишлар, мансабдор шахслар ва жамоат ташкилотларининг вакиллари билан шахсан суҳбат ўтказишлар катта ўрин эгаллайди ва улар асосан жинойтларни олдини олиш мақсадида олиб борилади.

Қонунда дастлабки тергов органларининг жинойтлар содир этилишига имкон берадиган ҳолатларни аниқлаш, уларни бартараф этиш чораларини кўриш мажбурияти белгилаб қўйилган. ЖПКнинг 297-моддаси мазмунига кўра, терговчи ўз юритувида бўлган барча ишлар бўйича аниқланган, уларни юзага келтирган сабаблар ва шароитларни бартараф этиш ҳақида тақдимнома киритишга ҳақли. Терговчи тақдимнома юбориши мумкин бўлган мансабдор шахслар доираси тўғрисидаги масала алоҳида эътибор талаб қилади. Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 297-моддаси терговчини тақдимнома юбориш мумкин бўлган шахсларни танлаб олишда чеклаб қўймаган. Лекин, фикримизча, бу ерда тақдимнома киритиладиган корхоналар ва муассасалар ваколатлари доирасини ҳисобга олмаслик мумкин эмас.

Қайд қилинганлардан қуйидаги хулосаларни қилиш мумкин:

Биринчидан, дастлабки тергов органларининг профилактик фаолияти фақат тергов қилинаётган жинойтларнинг сабабларини аниқлаш билан чегараланиб қолмайди, балки, у бошқа ҳуқуқбузарликлар содир этилишига имкон бериши мумкин бўлган ҳолатларни ҳам ҳисобга олиши керак. Бундай ҳолларда терговчи томонидан акс-таъсир кўрсатиш шакли бошқача бўлиши мумкин. Жинойтни тергов қилиш тугалланишини кутиб ўтирмай, у салбий ҳолатларга қарши таъсир кўрсатиши мумкин.

Иккинчидан, дастлабки тергов органларининг профилактик фаолиятининг асосий процессуал шакли жинойтнинг сабабларини ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф қилиш тўғрисида суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг тақдимномаси ҳисобланади.

Учинчидан, дастлабки тергов органлари томонидан амалга ошириладиган профилактика жинойтларни олдини олиш ишларининг бир қисмини ташкил қилади. Бу ишларнинг мазмуни жинойтчилик ва конкрет ҳуқуқбузарликларнинг, улар алоҳида турларининг сабаблари ва шароитларини мақсадга йўналтирилган ҳолда аниқлаш ва бартараф этишдан иборат. Дастлабки тергов органларининг профилактик фаолиятининг самарадорлиги даражаси ўз навбатида, жинойтларни бартараф қилиш, очиш ва тергов қилишга шунчалик кам куч ва воситалар сарфланши, жинойий жазоларни қўллаш доираси ҳам шунчалик торайиб боришига олиб келади.

Тўртинчидан, жинойтнинг сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф этиш чораларини кўриш тўғрисида тақдимнома уч қисмдан иборат бўлади. Унинг кириш қисмида ҳужжатни тайёрлаш вақти ва жойи, ҳужжатни тайёрлаган



мансабдор шахнинг фамилияси, исми шарифи, лавозими, махсус унвони (лавозим даражаси), тақдим этилган материаллар асосида жиноят ишининг рақами келтирилади. Тақдимноманинг тавсиф-асослантириш қисмида содир этилган жиноят ҳолатларининг қисқача мазмуни, жиноятнинг сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларнинг батафсил баёни кўрсатилиши керак. Тақдимноманинг хулоса-резюлютив қисмида жиноятнинг сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф этиш бўйича аниқ таклифлар акс эттирилиши мақсадга мувофиқ.

ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ ТАДКИКОТЛАР: ДАВРИЙ АНЖУМАНЛАР: 1-ҚИСМ

Масъул мухаррир: Файзиёв Шохруд Фармонович
Мусахҳиҳ: Файзиёв Фаррух Фармонович
Саҳифаловчи: Шахрам Файзиёв

Эълон қилиш муддати: 31.10.2022

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000